

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ
ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК 79143

КАСИМОВА НОДИРА САИТЖАНОВНА

**ҚИСҚА МЕТРАЖЛИ ФИЛЬМЛАР ВА УЛАРНИНГ КИНО
САНЪАТИДАГИ ЎРНИ**

5А 150401 – «Телевидение ва радио режиссёрлиги»

мутахассислиги бўйича магистр академик

даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Кафедра мудири

**Санъатшунослик фанлари
номзоди Ф.Файзиева**

Илмий раҳбар

**Санъатшунослик фанлари
номзоди Ф.Файзиева**

Тошкент-2013

Мундарижа.

Кириш	3
I. Кино санъатининг юзага келиши ва унда қисқа метражли фильмларнинг тутган ўрни.....	9
1.1 Қисқа метражли фильмларнинг яратилиш тарихи.....	9
1.2 Йигирманчи асрнинг иккинчи ярмида қисқа метражли фильмларнинг ривож.....	22
Биринчи боб бўйича хулоса.....	28
II. Ўзбек қисқа метражли фильмларининг тараққиёт йўли.....	30
2.1 Ўзбек қисқа метражли фильмларида мавзуларнинг хилма-хиллиги.....	30
2.2 Ўзбек қисқа метражли фильмларини сураатга олишда қўлланилган услублар.....	40
Иккинчи боб бўйича хулоса.....	52
III. Замонавий кино жараён ва ўзбек қисқа метражли фильмларининг яратилишида учрайдиган муаммолар.....	54
3.1 Янги авлод ижодкорларининг ўзбек қисқа метражли фильмлари яратилишида тутган ўрни.....	54
3.2 Ўзбекистонда ўтказилаётган халқаро кинофестиваллар ва уларда ўзбек қисқа метражли фильмларига бўлган эътибор	61
Учинчи боб бўйича хулоса.....	71
Умумий хулоса.....	73
Фойдаланилган адабиётлар.....	76

Кириш

Ҳозирги кунда кино санъати жамиятнинг ижтимоий ҳаётида салмоқли ўринга эга. Инсонларнинг маънавияти юксалишига ўзига хос тарзда таъсир қилади. “Санъат ва маданиятдек қудратли куч орқали инсон қалбига йўл топиш мумкун.”- деб ёзилади И. А. Каримовнинг “Юксак маънавият- енгилмас куч” асарида.¹ Бундан келиб чиқадики, кино санъатининг инсон онги ва тафаккури, жамият ҳаётига бўлган таъсири беқиёс экан. Аммо ҳар қандай кино асарини ҳам санъат асари деб атай олмаймиз. Чунки юртимизда юз бераётган иқтисодий ривожланиш туфайли ижодкор бўлган ва бўлмаганларда кино яратиш имкони туғулди.

Бу албатта қувонарли ҳол. Лекин гуруч кўрмаксиз бўлмайди дейишганидек охириги пайтларда экранга чиқаётган фильмлар орасида томошабин маънавиятига ижобий таъсир кўрсата олмайдиганлари ҳам учраб турибди. Улар ўз ўрнида томошабин талабига биноан кино ишлаб чиқараётганларини рукач қиладилар. Қайсидир маънода уларни ҳақ, дейиш мумкин. Чунки томошабинлар ҳозирги кунда экранга чиқаётган ҳар қандай фильмга қизиқиш билан қарайдилар. Бундан келиб чиқадики, томошабин дидини юксалтириш керак.

Юқори эстетик дид эгаси бўлмиш томошабингина ҳақиқий санъат асарининг фарқига бора олади. Санъат тараққиёти ҳамда инсоният маданият равнақи учун жамиятнинг руҳий олам гўзаллигини ва эстетик дидини юксалтириш олдимизга қўйилган мақсадлардан бирига айланмоғи лозим. Балаш Бела ўзининг “Янги санъатнинг тараққиёти ва асоси” номли китобида жамиятнинг кинога муносабатини тасвирлар экан шундай ёзган эди: “Жамият аъзолари мусиқа, тасвирий санъат, адабиётдан хабардор бўлиши талаб этилади. Агар кимдир Бетховин ёки Мекеланжелло ҳақида билмаса, у одам саводсиз деб ҳисобланади. Аммо ҳатто юқори қатлам

¹ Islom Abdugʻaniyevich Karimov. Yuksak maʼnaviyat-yengilmas kuch.-T.: Maʼnaviyat, 2008.-146-bet

кишилари орасида ҳам Девид Гриффитнинг кимлигини билмайдиганлар бўлса, бунга аҳамият берилмайди.”²

Ваҳоланки кино санъати инсон маънавияти юксалишига бевосита ҳизмат қилади. Кино санъати синтетик санъат тури бўлиб ўзида деярли барча санъат турларини қамраб олган. Кино санъатида тасвирий санъат, мусиқа, адабиёт каби санъат турлари элементларини кўришимиз мумкин. Кино санъати бошқа санъат турларидан кейин пайдо бўлган бўлса ҳам, жамият маданий ҳаётининг ажралмас қисмига айланди. Ўз ўрнида кино тасвирга олиниш услуби ва мавзусу жиҳатидан бир неча турга бўлинади. Шулар орасида қисқа метражли фильмлар бир томондан юксак маҳорат талаб этгани учун санъат соҳасида кадрланиб келинган бўлса, бир томондан маълум бир вақт томошабинлар эътиборидан четда қолган эди. Аммо сўнгги йилларда қисқа метражли фильмларга яна эътибор орта бошлади. Дунё мамлакатларида ўтказилаётган турли хил халқаро кинофестиваллар ёш ижодкорларни рағбатлантириб қисқа метражли фильмларнинг қайта тикланишига сабаб бўлди. Кино санъатида ҳажмга эмас, сифатга эътибор кучая бошлади.

Мавзунинг долзарблиги. Кино бундан 118 йил олдин юзага келган экан у мураккаб тараққиёт йўлини босиб ўтди. Аммо у ўзининг илк кўринишини баъзи кино асарларда ҳали ҳамон сақлаб келмоқда. Шу ўринда қисқа метражли фильмлар алоҳида эътиборга лойиқ. Чунки кино технологиялари ҳар қанча ривожланмасин, иқтисодий имкониятлар чегараси қанчалик кенгаймасин, барибир қисқа метражли фильмлар кино санъатида тутган ўрнини сақлаб қолди. Айниқса ҳозирги кунда юртимизда кинода ўз фаолиятини бошлаётган ёш ижодкорлар қисқа метражли фильмлар орқали ўз маҳоратларини намойиш этиш имконига эгадирлар. Улар ўзлари яратган бир неча дақиқилик бадиий ишлари орқали халқаро кинофестивалларда нуфузли совринларга сазовор бўлмоқда. Улар кино

² Бела Балаш. Кино: Становление и сущность нового искусства. Первая глава. Эстетика кино

оламига қисқа метражли фильмлар орқали қадам қуйишмоқда. Аммо ўз ишларини кенг оммага намойиш этиш имконига эга эмаслар. Чунки бозор иқтисодиётига асосланган юртимиз кинотеатрларида қисқа метражли фильмлар намойиши ўтказилмайди. Албатта ҳеч қайси томошабин ўн беш–йигирма дақиқалик фильм учун чипта сотиб олмайди. Шу нуқтаи назардан қисқа метражли фильмларга унчалик аҳамият берилмайди. Аммо чуқурроқ ўйлаб қаралса, қисқа метражли фильмлар иқтисодий ривожланиш даврида катта аҳамиятга эга. Чунки улар кўп харажат талаб этмайди. Биргина тўлиқ метражли фильмга кетадиган маблағ эвазига бир нечта қисқа метражли фильмлар суратга олиш мумкин. Бу эса ўз ўрнида бир эмас ўнлаб ёш режиссёр, оператор, рассом ва бошқа кино тасвирга олинишида иштирок этувчи соҳа эгаларининг иш билан таъминланишларига ва ижод қилишларига имкон яратади. Шу билан бирга ўзбек киносининг ривожига ривож қўшади. Чунки қисқа метражли фильмларга етарлича эътибор қаратилса, йилига юзлаб ўзбек кинолари экран юзини кўриши мумкин бўлади. Шунда маънавий таҳдид туғдираётган баъзи хорижий фильмларига томошабинда ҳеч қандай эҳтиёж қолмайди. Чунки аксарият ҳолларда маънавий эҳтиёж ўрни миллий қисқа метражли фильмлар билан тўлдирилади. Шу билан бирга ўзбек киносининг жаҳон кино санъатида нуфузли ўринлар олиши имкони кенгаяди.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Бадиий қисқа метражли фильмлар мавзусида деярли илмий иш қилинмаган. Умуман кино йўналишида қилинган илмий ишлар асосан тўлиқ метражли бадиий ва хужжатли фильмлар тўғрисида бўлиб улар айнан шу турда яратилган фильмларни ўзида қамраб олган. Жаҳон миқёсида ҳам қисқа метражли фильмлар ўрганилган илмий ишлар деярли мавжуд бўлмай асосан ижодида қисқа метражли фильмлар ўрин олган айнан бир режиссёр ижодий фаолиятига бағишланган ишларгина бор. Ўзбек қисқа метражли

фильмларига алоҳида эътибор қаратиш борасида ушбу илмий иш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ишнинг мақсади ва вазифалари. Сўнгги йилларда маълум бир давр давомида қайсидир маънода назардан четда қолган қисқа метражли фильмларга эътибор қаратила бошланди. Шу ўринда қисқа метражли фильмларнинг тўлиқ метражли фильмлардан қолишмаслиги балки, баъзи бир жиҳатлардан устиворлик қилишини асослаб бериш жумладан иқтисодий томондан камҳаржлиги ва санъат миқёсида бадиийлик жиҳатдан кадрланишини таъкидлаб ўтиш илмий ишнинг мақсадидир. Ушбу ишни ёзишдан мақсад, қисқа метражли фильмларнинг тарихи ва тараққиёт йўлини ёритиб бериш.

Ўн тўққизинчи асрнинг охирида яратилганлигига қарамай ўз қийматини йўқотмаганлиги бу ўз ўрнида қисқа метражли фильмларнинг асосан юқори даражада ишланиб келинганлигидан далолат беришини айтиб ўтиш. Шу нуқтаи назардан бу турдаги фильмларни таҳлил қилиш, кино санъати тарихида суратга олинган ва ҳозирги кунда тасвирга олинаётган қисқа метражли фильмларни ўрганиб уларни кенг оммага тақдим қилиш илмий ишнинг вазифаларидан биридир.

Илмий ишнинг вазифалари:

- * Жаҳон кино тарихида яратилган қисқа метражли фильмларни таҳлил қилиш;
- * Ўзбек қисқа метражли фильмларини ўрганиш;
- * Ёш режиссёрлар яратган қисқа метражли фильмларни таҳлил қилиш;
- * Халқаро кинофестивалларда қисқа метражли фильмларнинг ўрнини кўрсатиш;

Диссертациянинг илмий ва амалий аҳамияти. Илмий иш юзасидан олиб борилган изланишлар натижасида аён бўлдики, нафақат ўзбек балки, жаҳон адабиётлари ва ўқув қўлланмалари орасида айнан қисқа метражли фильмлар туғрисидаги адабиётлар деярли мавжуд эмас. Қисқа метражли фильмлар суратга олган режиссёрлар ижоди алоҳида бир мавзуда ёритиб берилмаган. Аксарият адабиётларда фақат 1895 йилдан 1930 йилларгача яратилган фильмлар билан кифояланган. Диссертациянинг илмий аҳамияти шундаки, у нафақат фильм пайдо бўлган вақтда тасвирга олинган қисқа метражли фильмларни балки, йигирманчи асрнинг иккинчи ярмида ҳамда йигирма биринчи асрда суратга олинган жаҳон ва ўзбек фильмларини ўзида қамраб олган. Бу илмий иш санъат йўналишида таълим олаётган талабаларга ўқув қўлланма сифатида хизмат қилиши мумкин.

Тадқиқот объекти. Илмий иш ёритилишида жаҳон ҳамда ўзбек кино режиссёрларининг ижодий фаолияти давомида яратилган қисқа метражли фильмлар ўрганилган. Шу билан бирга кино соҳасига эндиgina қадам қўяётган ёш режиссёрлар томонидан тасвирга олинган фильмларга алоҳида тўхталиб ўтилган. Жумладан Жорж Мельес, Алберт Смит, Эдвин Портер, Девид Гриффит, Чарльз Чаплин, Леонид Гайдай, Ираклий Квиракадзи каби жаҳон кино ижодкорлари фаолияти ва кино санъатига қўшган ҳиссаси тадқиқ қилинди. Ўзбек киносида қисқа метражли фильмлар яратган Шухрат Аббасов, Рустам Хамдамов, Шавкат Жунайдуллаев, Хотам Файзиев, Жаҳонгир Қосимов, Зулфиқор Мусоқов, Темур Мусоқов каби режиссёрлар ижоди ва уларнинг асарлари бирма-бир таҳлилга тортилди. Ундан ташқари кино санъатига эндиgina қадам қўяётган Сарвар Каримов, Умид Хамдамов, Ҳусан Салихов каби ёш режиссёрларнинг яратган қисқа метражли фильмлари муҳокама қилинган.

Диссертациянинг тузилиши. Ушбу илмий иш Кириш, Асосий қисм ва Хулосадан иборат. Асосий қисм учта бобдан ташкил топган.

Биринчи бобда кино санъатининг юзага келиши ва илк фильмларнинг қисқа метражли бўлганлиги ҳақида гап кетади. Иккинчи бобда ўзбек киносига фаолият юритаётган режиссёрларнинг ижодидан жой олган қисқа метражли фильмлар таҳлил қилинади. Учинчи бобда Ўзбекистонда ўтказиладиган “Олтин Гепард” Тошкент халқаро кинфоруми ва Парижда ўтказиладиган Канн халқаро кинофестивалида қисқа метражли фильмларнинг тутган ўрни тўғрисида ёзилади.

I. Кино санъатининг юзага келиши ва унда қисқа метражли фильмларнинг тутган ўрни.

1.1 Қисқа метражли фильмларнинг яратилиш тарихи.

Кино яратилиш тарихига мурожат этадиган бўлсак, 1895 йил 28-декабрь куни оламшумул воқеа юз берганлигининг гувоҳи бўламиз. Шу куни Франциянинг Париж шаҳрида “Гран кафе” томоша залида ака-ука Огюст ва Луи Люмьерлар томонидан илк киносеанс ўтказилади. Унда 50 сониялик роликлар намоиш этилади. Улардан бирида ишчиларнинг фабрикадан чиқиб келиши, бирида поезднинг келиши тасвирга олинган эди. Аммо илк киносеан охирига етмай муваффақиятсизликка учрайди. Чунки залдаги томошабинлар улар томон ҳаракатланиб келаётган поезддан ваҳимага тушиб залдан қочиб чиқа бошлайдилар.³ Шунга қарамай кино одамлар орасида катта қизиқиш уйғотади. 1896-1897 йиллар давомида дунёнинг турли мамлакатларида кино намоишлар бўлиб ўтади.

Илк яратилган фильмлар қисқа метражли бўлиб 15-20 метр яъни бир ярим дақиқа давом этган. Бу даврда суратга олинган фильмларнинг кўпчилиги ҳужжатли фильмлар бўлиб ҳаётини воқеалик асл ҳолича репортаж усулида тасвирга олинган. Бу жараён ижодкорлар учун янгилик бўлганлиги туфайли фильмларда сценарий ва актёрлар ижросидан фойдаланишмаган. Аммо ака-ука Люмьерларнинг “Усти боши хўл суғорувчи” номли комедия жанридаги инсценеровкасида бадиийлик нишонаси ва унсурлари кўзга ташланади. Мазкур фильмда бир болакай сув сепиш учун ишлатилаётган шланкани атайлаб босади ва шланкадан сув отилиб сув сепаётган одам шалаббо бўлади. Аслида бу илк бор тасвирга олиш учун уюштирилган сахна эди. Аммо ака-ука Люмерлар кинога санъат эмас балки техник жараён деб қарашди.

³ www.wikipedia.org/

Француз театри режиссёри, актёри, продюссери Жорж Мельес кинода театрда амалга ошириб бўлмайдиган орзуларини рўёбга чиқариш мумкунлигини тушуниб, бадиий қисқа метражли фильмлар тасвирга олишни бошлайди. Лекин кўп ўтмай “ҳақиқий мўъжиза” яратиш учун камера, плёнканинг ўзи етарли эмаслиги аён бўлади ва Мельес съёмка олди тайёгарликлари учун махсус хона кераклилигини тушунади. Шу аснода 1898 йили Париж яқинидаги Монтреда биринчи киноателье ташкил топади. Унда кинотехника билан жихозланган театр сахнаси билан ёнма-ён фотолаборатория жойлашган эди. Бу илк студияда Жорж Мельес ўзининг 450-500 та фильмларини суратга олган. Улар орасида “Ойга саёҳат”(1902), Ғаройибот аро саёҳат” (1904), “Қутбнинг эгалланиши” (1912) каби фильмлари жуда машхур бўлган.

Жорж Мельес ижодида француз халқ фольклори асосида яратилган фантастик асарлар устиворлик қилади. У бир-биридан ғаройиб оламларни ифодалаш учун турли хил трюклардан фойдаланган. Бу эса ўз ўрнида кинонинг имкониятларини очиб ривожлантирди. Ака-ука Люмьерларнинг “ҳаёт қандай бўлса шундай” репортаж усулида тасвирга олиш принципига қарама-қарши ўлароқ Мельес сценарий асосида актёрларнинг олдиндан келишиб олинган сюжетда рол ижро этишини олға суради ва шу билан “кинотомоша” принципига асос солади. У фильмдаги баъзи кадрларни қўлда бўйаб чиққани учун фильмларида рангдан фойдаланиш ҳолларини кўришимиз мумкин.

Мельеснинг француз ҳамда ғарб давлатлари томонидан улуғланишининг яна бир сабаби, у барча ишни ўзи бажарган яъни ижодий меҳнатдан тортиб жисмоний меҳнатгача шу билан бирга иқтисодий томонларини ҳам ўзи ҳал қилган. Мельес ёзадики: “Санъат ҳақида қайғурмайдиган инсон кино билан шуғулланмайди. Кинода олдин амалга ошириб бўлмайдиган нарсаларни ҳақиқатга айлантириш мумкин. Уддабронлик билан қўлланилган турли хил трюклар ҳаёлат дунёсини тасмага тушириш

имконини беради. Бундан фойдаланиб чинакам бадий томоша яратиш мумкин ва бу барча санъат турлари бирлашиб кино санъатини яратишга хизмат қилишини тушунган инсонлар учун улкан завқ бағишлайди.”⁴

Кино, ватани бўлмиш Франциядан бошқа мамлакатларда ҳам тараққий эта бошлади. Бунга ўша даврда чегарадан кино олиб ўтишга ҳеч қандай чеклов бўлмагани ҳам таъсир қилди. Тез орада дунё мамлактларида кинотомошагоҳлар очилиб ҳар бир давлатда ўз кино маҳсулотларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Франциядан кейин Англияда кино ўз шинавандаларини топади. Йигирманчи асрнинг биринчи ўн йиллигида Англиялик кино ихлосмандлари кино санъатида бир қанча ўзгаришлар содир бўлишига сабабчи бўлдилар. Англияда кино билан шуғулланувчилар асосан фото ёки ўша даврдаги сеҳрли фонар ишлаб чиқарувчилар бўлганлиги учун кўплаб кино трюкларга асос солиш баробарида техниканинг мукаммаллашувига ҳам хисса қўшишди. Англияда кино Францияга ўхшаб марказда эмас балки турли шаҳарларда кино фирмалар ташкил топиб ривожланди. Ёркшир, Ланкашир графликларида, Лондан, Ла-Манш ҳамда курорт шаҳри бўлмиш Брайтонда илк англиялик киноижодкор Ульям Фриз-Гин, ва Джеймс Ульямсон, Жорж Альберт Смит каби режиссёрлар ўз фильмларини суратга олиб халқга ҳавола этадилар.

Жорж Альберт Смит портретчи-фотосураткаш бўлиб, ўн тўққизинчи асрнинг охирида кино билан шуғулланишни бошлайди. У юртдош режиссёрлари каби ўша даврда Британия оролларида машхур бўлган сеҳли фонар тажрибасидан фойдаланади. Кинонинг театрдан кўра сеҳрли фонарга ўхшашлиги кўпроқ бўлганлиги учун йирик планнинг пайдо бўлишига асос яратади. Ж. А. Смит ўзининг қисқа метражли фильмларида биринчи бўлиб йирик планлардан фойдаланган ҳисобланади⁵. Жорж

⁴ М. Lapierr. Antologiy. - Paris. 1946. - p. 43-44

⁵ Ежи Теплиц. История киноискусство. Т.1. - Москва. - 1968. - С. 35

Мельеснинг қисқа метражли фильмларида театр санъатининг таъсири бўлгани учун улар асосан умумий планларда сурагга олинган эди. Ж. А. Смит эса бир кичик сахна кўринишини тасвирга олишда бир нечта пландан фойдаланган. Унинг 1901 йилда сурагга олган “Нафис санъат мактабидаги сичқон” номли қисқа метражли фильмида иккита умумий план орасида дадил қўллаган йирик плани ҳаммани ҳайратга солган. Мальберт устида ишлаётган талабалар кўриниши ва ваҳимага тушиб у ёқдан бу ёққа югураётган талабалар кўриниши орасида инидан чиқиб келаётган сичқоннинг йирик плани қўйилган. Бу ўз ўрнида монтажга эҳтиёж туғдирган. Ж. А. Смит ўзи билмаган ҳолда кино яратилиш жараёнига янгилик олиб кирган. Албатта бу ўша даврда ижодий фаолиятини бошлаётган англиялик режиссёрларнинг танқидига учрайди. Чунки Жорж Мельеснинг томошабин ва камера сурагга олаётган объектнинг ўртасида масофа бўлиши керак деган назариясининг таъсири кучли эди. Аммо Ж. А. Смит қўллаган йирик план ва унинг таъсирида монтажнинг юзага келиши кино яратилиш жараёнида кескин бурилиш ясаганини тарих исбатлади.

Англияда “Брайтон мактаби” вужудга келиб унинг вакиллари бўлмиш режиссёрлар монтаждан кенг фойдаланишар эди. Бунга ёрқин мисолни Джеймс Ульямсоннинг ижодида кўришимиз мумкин. Ж. Ульямсон кинода ўз фаолиятини хроника оператори сифатида бошлаб кейинчалик режиссёрлик қила бошлайди. У “Хужум” номли қисқа метражли фильмида репортаж услубини қўллаган. Бу фильмда қахрамонлар ҳаракати билан мантиқан боғланган кадрлар шиддат билан ўзгаради. Ж. Ульямсон асардаги воқеани тасвирлаш учун онгли равишда монтаждан фойдаланган.⁶ Бу айниқса балкон сахнасида кўзга яққол ташланади. Бир аёл вилла балконида туриб наририқда ўтиб кетаётган аскарлардан ёрдам сўраб мурожат қилар экан оқ рўмолни хилпиратади ва аскарлар у томон

⁶ Ежи Теплиц, История киноискусство. Т.1.- Москва.-1968.-С. 36

ҳаракатланишади. Режиссёр титрсиз аёлнинг умумий кўринишидан рўмолнинг йирик планига ва ундан аскарларнинг умумий планига ўтиб томошабинга аёлнинг ёрдам чақириғни аскарлар пайқганини тушунтирган. Оддий бир рўмол монтажда турли хил макондаги сахна кўринишлари боғловчиси вазифасини бажарган. Ж. Ульямсон натурада суратга олишни афзал кўриб унинг фильмларида воқеалар турли хил маконларда содир бўлади. У монтаждан мохирона фойдаланиб фильм сюжетини тезкор кадрлар алмашинуви орқали ифодалаган. Ундан ташқари у ўз қаҳрамонларини кино аппаратдан бир узоқлаштириб, бир яқинлашйириб суратга олган. Кейинчалик Англия ва бошқа мамалакатлар режиссёрлари Жеймс Ульямсон тажрибасидан фойдаланиб саргузшт фильмлари ярата бошлайдилар. Шу билан бирга фақат павильонда суратга олишдан воз кечиб натурадан кенг фойдалана бошлайдилар.

Ўн тўққизинчи аср охири ва йигирманчи аср бошларида АКШда кўплаб кинофабрикалар юзага келади. Нью-Йорк, Чикаго, Филадельфия, Сан-Франциско каби шаҳарларда кино шиддат билан ривожланади. Бу даврда “Эдисон” ва “Баёграф” фирмаларида ишлаб чиқарилган фильмлар кўпчиликни ташкил қилар эди. “Эдисон” фирмаси механиги Эдвин С. Портер 1898 йилда режиссёрлик фаолиятини бошлайди. Унинг илк фильмлари Мельес фильмлари таъсирида яратилган эди.⁷ Кейинчалик англиялик ижодкорлар кинога киритган янгиликлари туфайли Портер бир мунча ҳажм жиҳатидан узун ва бир неча сахнадан иборат фильмлар суратга ола бошлайди. У монтаж усулларида кенг фойдаланиб бир сахна кўринишда турли хил планлардги кадрларни ишлатган. Унинг ишлари орасида “Америкалик ўт ўчирувчи” (1902) ва “Поёзддаги катта ўғирлик” (1903) қисқа метражли фильмлари машхур бўлади.

Айниқса “Америкалик ўт ўчирувчи” фильми алоҳида эътиборга лойиқ. Чунки бу фильм ҳужжатли хроника материаллари ва инсценировка асосида

⁷ Le in is Jacobs. The rise of the American film.-1939.-p.36-77

суратга олинган ижровий сахналар ҳамоҳанглигида яратилган. Эдвин С. Портер ўт ўчирувчиларнинг хизматга отланиш кўринишида хроник материалдан фойдаланган бўлса, она ва боланинг ўт ичида қолган кўринишини эса инсценировка асосида актёрлар томонидан ижро этилган. Бу икки хил материал устамонлик билан монтаж қилинганлигини айтиш керак.

Жаҳонда яратилаётган фильмларнинг асосий қисми АҚШ да ишлаб чиқарила бошлади. Бундай юқори кўрсаткич марказлашувга олиб келди. Кўп ижодкорлар муқим жойлашув учун жой танлай бошладилар. Географик жиҳатдан қулай табиати гўзал ҳамда Мексика чегарасига яқин Калифорния кино ишлаб чиқарувчилар эътиборини тортди. Бу ерда турли хил маданиятга мансуб турли хил тилда сўзлашувчи аҳоли яшар эди. Шундай қилиб Калифорниянинг Лос-Анжелос раёнида Голливудга асос солинди.⁸

1910 йилларда ковбойлар тўғрисида қисқа метражли фильмлар олиш урф бўлди. Уларнинг сюжетлари бир-бирига ўхшаш, кўпинча айнан ўша актёрлар ижросида бўлган. Асосий қахрамонлари ковбой, яхши ва ёмон ширифлар ва жасур қиздан иборат эди. Фильм сюжети эса яхшилик ва ёмонлик кураши асосига қурилган. Фильм сўнгида эзгулик ғалаба қозонган. Яхши ва ёмон образларни уларнинг либослари ифодалаб берган. Ўша даврда юзлаб ковбойча фильмлар суратга олган режиссёр Бронча Билли айтишича, улар фақат отларнигина алмаштишган. Фильм сценарийси эса ўзгармаган.⁹

Америка кино санъати ҳақида гапирар эканмиз Девид Уарк Гриффитнинг ижодига тўхталиб ўтишимиз жоиз. У 1907 йилдан 1930 йилларгача яъни кинога овоз кириб келгунга қадар салмоқли ижод қилиб кино ривожига сезиларли хисса қўшган. Гриффит ҳозирги кун киносининг

⁸ Ежи Теплиц, История киноискусство. Т.1.- Москва.-1968.-С. 76

⁹ Antonio Chiattoni.Film westrn.-Milano.1949.-p29

кайсидир маънода асосини яратди деса бўлади. У экранда инсон қиёфасининг йирик планини шакллантирди. У 1910 йилда сураатга олган “Рамон” фильмида перспективани қўллади. Ундан ташқари Гриффит кинога икки масканда бир вақтда содир бўлаётган воқеани тасвирлаш учун ҳамда ўтимишда ва айни пайтда юз бераётган ҳодисани бир-бирига боғлаш учун параллел монтаж усулини олиб кирди.

У фильмда кадрларни бир-бирига секинлик билан ўтишини қойилмақом даражада амалга оширган. Гриффит фильм яратилишининг нафақат техник қисмига балки, ижодий томонлама ҳам янгиликлар киритган. У актёрлар ижросига катта аҳамият берган. Айниқса йирик планлар орқали актёрлар ҳис туйғларини томошабинга етказиб берган. Унинг 1908-1913 йилларда “Баёграф” кино компанияси учун яратган 350 та фильмида ижодкорнинг ҳар бир фильмга алоҳида ёндошганини кўришимиз мумкин. Бир фильмда қўлланилган тасвирга олиш услуби ва монтаж усули иккинчисидан фарқ қилади. Буни “Доллининг саргузаштлари”, “Анча йил ўтиб”, фильмлари мисолида кўриш мумкин. 1908 йилда сураатга олинган “Доллининг саргузаштлари” содда, томошавий характерда бўлса, 1910 йилда тасвирга олинган “Анча йил ўтиб” фильмида асосан параллел монтаждан фойдаланилган.

Гриффит кинога драматургияни олиб кирган десак хато бўлмайди. У фильмларида воқеа ҳодисаларни ҳудди ёзувчи каби ҳикоя қилган. Шунинг учун бўлса керак, унинг фильмлари томошабинни ушлаб турган. Гриффит ижодида ёзувчи Чарльз Диккенс таъсири сезиларли бўлган. Унинг фикрича, кино бу сураатдаги ҳикоядир.¹⁰ У фильмларида Диккенснинг сўзлаб бериш методидан фойдаланган. Бу эса камеранинг шиддат билан ҳаракатланишига ва кадрларнинг тезлик билан алмашинувиغا ҳамда йириклик бўйча турли хил планларнинг қўллаганилишига олиб келган.¹¹

¹⁰ Сборник.Д.У.Гриффит.М.:1944.-статья С.Эйзенштейна.Диккенс,Гриффит и мы.

¹¹ Ежи Теплиц. История киноискусство. Т.1.- Москва.-1968.-С. 84

Гриффит назариясига кўра фильмдаги ҳар қандай драма томошабин калбига таъсир қилиши учун ҳаётий ҳақиқатга асосланган бўлиши керак, шудагина у одамларни ишонтира олади. Асар воқеаси ҳаққоний бўлсагина, тасвирий эффектлар фильмда аҳамиятли ўрин касб этади.

Америка кино санъати тарихи ҳақида сўзлар эканмиз, Девид Уарк Гриффит билан яна бир инсонни эслаб ўтиш лозим. Бернард Шоу айтишича, у кино дунёга тақдим этган буюк даходир. У қисқа метражли фильмларнинг тараққиётига улкан хисса қўшган Чарльз Спенсер Чаплиндир. Унинг ижросидаги фильмлар бутун дунё бўйлаб намоиш этилган. Статистик маълумотларга кўра унинг ҳар бирини уч юз миллионга яқин одам томоша қилган.

Чарльз Чаплин икки қисмдан иборат қисқа метражли фильмлари устида кунт билан ишалган. У ҳар бир сахнани ўн ҳатто “Гўдак” фильмидаги баъзи сахналарни юз дублда суратга олган. Қисқа метражли фильмларнинг умумий ҳажми олти юз метрни ташкил қилган бўлса, у ўн мингдан ўттиз минг метргача негатив плёнка сарф қилган. Чарльз Чаплин ҳаётдаги арзимаган бир воқеага асосан бутун бир фильмнинг сюжетини қура олган. Унинг фильмларида ачинарли бир ҳолат юмор орқали кўрсатилган. Бунга Чарльз Чаплин изох берар экан “комедия яратар эканман қахрамонимни қийин бир аҳволга солиб кейин уни қутқариш йўлларини излайман. Макс Итсмен ўзининг “Юмор тушунчаси” номли китобида: “Юмор асосида “ёлғондакам ачиниш” ётади”-деб ёзган. Унунг ёзишича, инсонда мазахизмга мойиллик бўлиб томошабин қахрамон билан бирга азоб уқубат чекар экан қайсидир маънода завқланади.

Чарльз Чаплин концепциясига кўра: “Юмор бу бироз паришонхотирлик бўлиб инсон учун одатий ҳолатдир. Бошқача қилиб айтганда, юмор бизга рационал бўлиб кўринган нарсаларда иррационал ҳолатларни ва муҳим деб ҳисобланган нарсаларда номуҳим ҳолатларни пайқашимизга туртки бўлади. Юмор ҳаётда учрайдиган қийинчиликларни енгиб ўтишимизга

ёрдам беради. У ҳаётимизда юқори ва куйи даражада турувчи нарсаларни аниқлашимизга ва ўта жиддий ҳолатлар ортида кулгу беркинганини англашимизга ёрдам беради”¹².

Чарльз Чаплин комедиялари реал воқеа ва реал инсонлар ҳақида бўлган. Чунки унинг фикрича, одамлар ҳақиқатга ташна ва комедия уларга бунини бериши керак. Унинг қаҳрамонлари оддий одамлар бўлиб шундай бир ўткирлик билан тасвирланганки, натижада улар экранда жуда кулгули ёки жуда ачинарли қиёфада намоён бўлганлар. Унинг айтишича, комедияни комедия қиладиган бу актёрлар ижросидир. Нафақат бош қаҳрамон, балки арзимаган эпизод устида ҳам чуқур изланишлар олиб бориш керак. Чарльз Чаплин ҳар бир образ устида ишлар экан уни қалбан ўзидан ўтказган ва бошқа актёрлардан ҳам шуни талаб қилган. Бу албатта ўша давр комедия яратиш тушунчаларига зид бўлган. Чунки ўша давр ижодкорлари фикрлашича, комедияда қаҳрамонларнинг ташқи қиёфаси муҳим ўрин тутган. Аммо Чарльз Чаплин образнинг ички дунёсини ҳис қилиш орқалигина ишонарли даражада рол ижро этиш мумкин деб ҳисоблаган.

Ч. Чаплин фильм яратар экан нафақат актёрлар ижросига балки, постановкасига ҳам аҳамият берган. Унинг айтишича, “Камерани тўғри нуқтага қўйиш кино оҳангини белгилаб беради. Томашабин туйғуларни жунбушга келтириш учун йирик пландан фойдаланиш шарт эмас. Аксинча баъзи сахналарни умумий планда акс эттирсагина кўзланган мақсадга эришиш мумкин.”¹³ Мисол учун унинг “Ринк” фильмини олайлик. Унда бир дайди фигурали учиш майдончасига бир оёғида конки билан кириб келади. У мурракаб ҳаракатлар қилар экан бошқа одамларни туртиб юборади. Фигурали учиш майдончасидагилар бирин кетин йиқила бошлайдилар. Натижада кадрнинг олдинги планида йиқилган одамлар, орқа планида эса муз устида учишда давом этаётган дайди қиёфаси тобора

¹² Чарли Чаплин.Моя биография.- Москва.: Искусство, 1966.- С. 205

¹³ Чарли Чаплин.Моя биография.- Москва.: Искусство, 1966.- С. 148

узоқлашиб боради. Бу албатта кадрда дайди юзининг йирик план кўринишидан кулгилироқ тасаввур пайдо қилади.

Чарльз Чаплинни қисқа метражли фильмлар даҳоси десак бўлади. У фильмлар мавзусини баъзида оддий бир кўшиқдан илхомланиб ўйлаб топган. Кўшиқ таъсирида юзага келган фильмларидан бири “Йигирма дақиқа севги” фильмидир. Фильм сюжети 1914 йилда машхур бўлган “Жуда кўп ҳантал” номли тустеп услубидаги мусиқа садоси остида ривожланади. “Кистоун” фильм студияси махсулоти бўлмиш бу фильм воқеаси бир ҳиёбонда содир бўлади. Ҳиёбонда болаларини ўйнатгани олиб чиққан энагалар ўриндикда ўтирибди. Тартибга жавобгар милиция ходимлари эса у ердан бу ерга ўтиб юришибди. Чарли Чаплин ижросидаги қахрамон эса турли хил кулгили вазиятларга тушиб юради. Фильмдаги барча воқеалар юқорида айтиб ўтилган кўшиқ садоси остида содир бўлади. Бу фильм енгилгина комедия бўлсада, ўша давр томошабинлари илиқ кутиб олишганди.

1920 йилда сурагга олинган “Аслзода” номли қисқа метражли фильми сюжети эса қуйидагича дунёга келади. Чарльз Чаплин бир куни фильмга мавзу қидириб бутафорлар орасида ўйланиб юрганида кўзи гольф клюшкарарига тушади. Шу захоти дайдининг голф ўйнаши кўз олдидадан ўтади. Шу тариқа “Аслзода” комедияси яратилади¹⁴. Бу фильмда Ч. Чаплин икки бир-бирига сув томчисидек ўхшаш инсонларни яратади. Уларнинг бири аслзода бўлса, иккинчиси биз билган дайди образидир. Дайди ёз кунларининг бирида жануб томон йўл олади. У гольф майдончасида бошқалар унитиб қолдирган клюшкаралар билан гольф ўйнайди. Аслзодалар уюштираётган бал-маскарадга бориб қолади. Уни балдагилар дайди кийимидаги бир аслзодага ўхшатишади. У ҳаёт лаззатларига берилади. Аммо унинг кимлиги маълум бўлиб қолади ва у зўрға ғазабланган аслзода меҳмонлардан қочиб кутилади. Дайди ўз

¹⁴ Чарли Чаплин.Моя биография.- Москва .: Искусство, 1966.- С. 256

оламига қайтади. Фильм ачинарли якун топсада, ундаги воқеалар шундай курилганки, томошабин ўзини кулгудан тўхтата олмайди.

Чарльз Спенсер Чаплин ижоди ҳақида гапирар эканмиз, унинг кинода пантомимо санъатини моҳирона қўллаганини айтиб ўтишимиз керак. Унунг юз ифодаси у ўйнаётган қаҳрамоннинг нафақат ҳис-туйғуларини балки, образнинг бутун ички дунёсини акс эттиради. Унинг беозор шу билан бирга кулгули хатти-ҳаракатлари томошабинда кулгу уйғотади. Аммо шуни ҳам эътироф этиш керакки, у яратган образларда умуман бачканалик йўқ. Унинг қаҳрамонлари томошабинлар меҳрига сазовор бўлганлигининг яна бир сабаби шундаки, Чарли Чаплин томонидан яратилган барча образлар халққа яқиндир. Унинг фильмларини томоша қилаётган томошабин қаҳрамонлар қиёфасида авалламбор ўзининг аксини кўради. Григорий Козинцев Чарльз Чаплинни Шекспирнинг “Қирол Лир” асаридаги ҳақиқатни сўзловчи масхарабозга ўхшатади. У циркдаги масхарабоздан халқ масхарабозига айланган инсондир.¹⁵

Ч. Чаплин нафақат Америка киносида балки, бутун жаҳон киносида ўзининг қисқа метражли фильмлари билан ўчмас из қолдирди. У кино тарихида буюк актёр, маҳоратли режиссёр ҳамда иқтидорли продюссер сифатида муваффақиятли ижод қилган инсондир.

Юқорида тўхталиб ўтилган ўз юртининг моҳир кино ижодкорлари асосан овозсиз қисқа метражли фильмлар яратганлар. Чунки илк яратилган фильмлар рангсиз яъни оқ-қора ва овозсиз эди. Бу ўз ўрнида режиссёрларнинг фильм воқеаларини шундай моҳирона тасвирлаб беришга ва сюжет композициясини шундай тузишга, натижада сўзсиз ҳам томошабинга тушунарли қилиб ифодалашга мажбур қиларди. Овозсиз кино актёрлар елкасига ҳам катта маъсулият юкларди. Чунки улар фильм воқеасини юз ифодалари ва хатти-ҳаракатлари билан томошабинга етказиб

¹⁵ Сборник. Ч.С. Чаплин. -М.:1945. -С.59.Статья.Вдохновение.опубликованная в апреле 1928

беришлари керак эди. Бу эса актёрлардан катта маҳорат талаб қиларди. Овозсиз кино монтажнинг ҳам бирмунча мураккаблашишига бевосита таъсир қилди. Кейинчалик овозсиз кинода титрлардан фойдаланиш кенг йўлга қўйилди. Титрлар фильм сюжетларини мазмунан бир-бирига боғлаш учун ёки экранда содир бўлаётган воқеаларни томошабинга тушунтириш учун хизмат қилган. Одатда овозсиз фильмлар фортепьяно мусика садолари остида намоиш этилган. Кинога овоз олиб кириш учун кўп уринишлар амалга оширилган. Аммо 1912 йилда бундан уддасидан чиқишганда кино ижодкорлар кинода овоз ишлатишни аҳамиятли деб билмадилар. Шунинг учун овоз тўғрисидаги патент фақат 1919 йилдагина расмийлаштирилади. 1922 йилда Берлинда биринчи овозли фильм намоиш этилади. Лекин бундан на томошабилар на кино ижодкорлар хайратга тушадилар. 1926 йилда “Warner Brathers” томонидан бир нечта овозли фильмлар ишлаб чиқарилади. 1927 йил олтинчи октябр куни “Джаз кўшиқчиси” фильми намоиш этилади ва бу сана кейинчалик овозли кино таън олинган кун деб ҳисобланади. Фильм мусикавий кўринишлар ва бир қанча репликалардан иборат эди. У катта олқишга сазовор бўлиб бошқа кино компаниялар эътиборини тортади. Кейинги йилларда овозли фильмлар яратилиши йўлга қўйилади. Аммо кўпгина кино ижодкорлар кинода овоз қўллашдан бош тортадилар. Альфред Хичкок овозсиз қисқа метражли фильмларга изоҳ берар экан шундай дейди: “ Овозсиз кино энг соф кинематограф тури бўлиб унда фақат инсон товуши етишмас эди. Аммо кинода товуш пайдо бўлиб, у олдин эгалик қилган ҳислатларидан маҳрум бўлди”¹⁶

Бундай дейилишига асос бор. Чунки овозсиз фильмда рол ижро этган актёрларнинг мимика ва хатти-ҳаракатларини ҳозирги кун кино актёрлари маҳорати билан солиштириб бўлмайди. Франсуа Трюффо фикрича, кино ижодкорлар деярли маҳорат чўққисини эгаллай деганда, овоз кириб келди.

¹⁶ www.wikipedia.org/

Кўп ижодкорлар (масалан Девид Уарк Гриффит) янги иш услубига мослаша олмай кинода ўз фаолиятларини тўхтатишларига тўғри келди. Кино оламини қобилиятли бўлмаган ўртамеёна ижодкорлар эгаллай бошладилар.¹⁷ Дарҳақиқат кинода овоз пайдо бўлиши билан қайсидир маънода изланишларга чек қўйилди. Яъни асар мазмунини оддий сўзлар билан изоҳлашга ўтилди. Тасвирий ифода иккинчи ўринга тушуб қолди. Айниқса бу қисқа метражли фильмлар яратилишига бевосита таъсир қилди. Чунки энди фильм ҳажмини диалоглар билан тўлдирса бўларди.

Кинематографиянинг имкониятлари кенгайиб фильмлар давомийлиги ортиб борди. 1940 йилларга келиб қисқа метражли фильмлар тўлиқ метражли фильмлар намоишидан кейин кечага хуш кайфият бағишлаш учун кўрсатилган.¹⁸ Бора-бора кинотеатрларни тўлиқ метражли фильмлар тўла эгаллай бошлади. 1950 йилларга келиб телевидение ривожланиши билан улар умуман киностудиялар назаридан четга чиқиб қолди. Қисқа метражли фильмлар эса асосан тижорат йўлида, касса учун суратга олмайдиган режиссёрлар ижодида учрайди.

¹⁷ www.wikipedia.org/

¹⁸ Melinda Corey, George Ochoa. American film Institute.- Dorling Kindersley Publishing, Inc., November, 2002.- p.148

1.2 Йигирманчи асрнинг иккинчи ярмида қисқа метражли фильмларнинг ривожи.

Йигирманчи асрнинг иккинч ярмида қисқа метражли фильмлар яратишда юксак маҳоратга эришган Грузиялик кино ижодкорлар фаолиятига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Чунки Грузияда қисқа метражли фильмларга алоҳида эътибор қаратилиб асосан комедия жанрида фильм ишлаб чиқариларди. Грузиялик кино ижодкорлар молиявий қийинчилик даврида кам маблағ талаб этадиган фильмлар яратишга ўтишди. Бу билан улар кинони мушкул ҳолатдан олиб чиқибгина қолмай, балки қисқа метражли фильмларни қайсидир маънода Грузиянинг миллий услубига айлантиришди.

Шу даврда ижод қилган режиссёрлардан бири Ираклий Квиракадзе фаолиятига тўхталиб ўтсак. Унинг “Хум” номли йигирма беш дақиқалик фильми бутун МДХ мамлакатларида намоиш этилганди. Бу фильм 1970 йилда суратга олинган бўлиб оқ-қора тасмага олинган. “Хум” фильми Италиялик ёзувчи Луиджи Пиранделлонинг “Чиаро” номли новелласининг эркин талқинидир.¹⁹ Фильм воқеаси бир ҳонадонда бўлиб ўтади. Уй эгаси Гогио катта хум сотиб олиб келади, аммо қизи уни аравадан тушираётганида тушуриб юборади. Натижада хумнинг бир қисми синиб тушади. Гогио уста Абесаломга мурожат қилади. Уста мустаҳкам елимини мақтаб хумнинг синган жойидан ичкарига киради. У хумнинг синган қисмини елимлайди. Аммо хумнинг оғзидан чиқаман деганида, хум оғзи одатий хумлардан торроқ эканлиги маълум бўлади. Абесалом қанчалик уринмасин хум оғзидан чиқа олмайди. Гогио эса: “ ўйлаб иш қилиш керак эди”-деб уйдан чиқиб кетади. Кўп ўтмай Гогио милиция ходимини бошлаб келади. Ҳовлига анча одам йиғилади. Хум эгаси хумни фақат тўлов эвазига хумни синдириши мумкинлигини айтса, уста бир тийин ҳам бермаслигини айтади. Милиция ходими бугун иш вақти тугаганини шу билан икки

¹⁹ www.kinopoisk.ru/

кундан кейин душанба куни иккисини маҳкамада кутишини айтиб чиқиб кетади. Шу билан уста хум ичида қолади ва қишлоқ аҳли уни кўришга кела бошлайдилар. Ҳовлида базму жамшид бошланади. Бундай бедодликка чидамаган Гогио хумни думалатиб юборади. Хум парча-парча бўлиб Абесалом озодликка чиқади. Кўриб турганимиздек фильм сюжети бачкана гап-сўзлар ёки қилиқлар асосига эмас кулгули бир вазият устига қурилган. Шуниси аҳамиятлики, фильм Италиян ёзувчиси асари асосида бўлишига карамай комедияга грузин миллий коларити сингдирилган.

Йигирманчи асрнинг иккинчи ярмида Грузияда сермахсул ижод қилган режиссёрлардан бири Рамаз Шарабидзе бўлиб, ижодий фаолияти давомида қисқа метражли фильмлар яратган. Унинг фильмлари грузин халқига хос бўлган юмор асосига қурилган. Унинг қисқа метражли фильмлари нафақат грузин халқига манзур бўлган, балки МДХ мамлакатлари томошабинлари ҳам севиб томоша қилган. Халқ олқишига сазовор бўлган қисқа метражли фильмлардан бири 1974 йилда суратга олинган “Гаров” номли фильмдир. Унда машҳур учликни ташкил қилган актёрлар Кахи Кавсадзе, Баадур Суладзе, Гиви Берикашвилилар қатнашган. Улар ўз ролларини маҳорат билан ижро этишганини қайд этиш керак. Бу фильм Резо Габриадзенинг уч йўл соловчиларнинг саргузаштлари новелласидан бири бўлиб одамларнинг ҳар қандай мавзу устида ўзаро гаров ўйнашлари одати кулгу остига олинган. Фильм икки йўл соловчининг учинчи йўл соловчини йўлда ётган оғир бир темир бўлагини шаҳаргача олиб борадими йўқми деб гаров боғлашларидан бошланади. Ишдан сўнг дам олиб ётган учинчи қаҳрамон темирни кўтариб шаҳаргача йўл олишига тўғри келади. Йўл-йўлакай уларга бир қанча одам қўшилади. Улар ҳам ўзаро гаров ўйнашга тушиб кетадилар. Режиссёр бу билан одамларнинг керак керакмас нарсалар устида гаров боғлашларини кулгули қилиб тасвирлаган. Учинчи қаҳрамон темирни машаққат чекиб шаҳаргача олиб келади. Гавжум одамни кўриб милиция ходими гап нимадалигини сўрайди. Унга гаров

шартини тушунтириб беришгач, у дарҳол темир бўлагини жойига олиб бориб қўйишларини буюради. Уч оғайни темир бўлагини кўтариб ортга қайтишади. Шундай қилиб улар ҳордиқ чиқаришади.

Рамаз Шарабидзенинг “Уч сўм пул” номли комедиясида ҳам машҳур учлик образларни қойилмақом қилиб яратган. Бу фильм ҳам қисқа метражли бўлиб, одамларнинг ҳаётида юз бериб турадиган омадсизлик ҳақидадир. Унда уч овлан уч сўм пул топиб олади. Улар барча ишни йиғиштириб шаҳарга кўнгил очгани кетишади. Омадни қаранг, йўлда йўл назорати ходими уларни тўхтатиб бир сўмлик жарима солади. Бунга қарамай улар истироҳат боғига етиб олишади. Аммо улардан бири фавворага бир сўмни тушириб юборади. Сўнги бир сўмни лотарея ўйинига ишлатишади. Чўнтак ҳам бўм-бўш, кайфият ҳам йўқ. Уйга қайтиб келишгач эса не кўз билан кўришмасин уйларининг кулигина қолган. Уйдан шошиб чиқиб кетишаётганларида дазмолни ўчирмасдан қолдиришган экан. Фильм қаҳрамонлари топилган уч сўмлик пул туфайли барча нарсаларидан айрилиб қолишади. Режиссёр бу билан кутилмаган омад кетидан югуриб ҳамма нарсани унутганлар охир оқибат бор будларидан айрилиб қолишлари мумкинлигини юмор орқали очиб берган. Рамаз Шарабидзе йигирма бир дақиқа ичида ўз маҳоратини намоиш эта олган. Шунинг учун “Уч сўм пул” қисқа метражли фильми 1976 йилда суратга олинган бўлишига қарамай ҳали ҳануз ойнаи жаҳон орқали намоиш этилишда давом этмоқда.

Йигирманчи асрнинг иккинчи ярмида ижодида қисқа метражли фильмлар сезиларли ўрин тутган режиссёр Леонид Гайдай Ииовивич десак адашмаймиз. Уни қайсидир маънода Чарльз Спенсер Чаплин издоши дейиш мумкин. Унинг 1961 йилда суратга олган “Ит Барбос ва ғаройиб кросс” номли фильми катта муваффақиятга эришади. Бу фильм сюжети Степан Олейникнинг “Ит барбос” номли фельетони асосида юзага келган. Фильм 9 дақиқагина давом этсада, томошабин ундан оладиган завқ

бекиёсдир. Фильм воқеаси учовлон ва итнинг балиқ овига чиқиши тўғрисида. Ҳаваскор балиқчилар қўлга яхши ўлжа киритиш мақсадида динамиддан фойдаланишади. Улар иштаха билан динамидни сувга отишади. Буни кузатиб турган ит эса дарҳол сувдан динамидни олиб чиқиб эгалари олдига ташлайди. Учовлон оёқларини қўлга олиб югура бошлайдилар, вафодор ит оғзида динамид билан эгалари ортидан қолмайди. Ит таъқибидан қочиб қутилишга ҳаракат қилаётган балиқчилар турли қулгили ҳолатларга тушишади. Ташқаридан олиб қаралганда, арзимаган воқеа атрофига қурилган сюжет фильмнинг бутун бир темпини аниқлаб беради. Албатта фильмда қаҳрамонлар образини яратган Юрий Никулин, Евгений Моргунов, Георгий Вициндан иборат учликнинг маҳорати алоҳида аҳамият касб этади. Уларнинг ижроси фильмнинг муваффақиятли чиқишига бевосита таъсир қилган. Чунки улар ҳам ижро жиҳатидан, ҳам ташқи кўриниш жиҳатидан бир-бирларини тўлдириб туришади. Бу учликни Леонид Гайдайнинг бошқа фильмларида ҳам кўришимиз мумкин. “Ит Барбос ва ғаройиб кросс” фильми режиссёрнинг комедия жанрида қисқа метражли фильмлар ишлашига туртки бўлди.

Леонид Гайдай 1962 йилда О`Генри ҳикоялари асосида “Ишбилармон одамлар” номи остида учта новеллани экранлаштиради. Уларнинг бирида бир ўғри тунда бир одамнинг уйига ўғриликка тушади. Уй эгаси бот касалига чалинган бўлиб тўшакда ётган бўлади. Ўғри ҳам бот касаллигидан азият чекувчи бўлиб чиқади. Натижада икки дардманд киши касалликлари ҳақида суҳбатлашиб бир-бирларига маслаҳат беришади. Натижада тунашга келган ўғри бутунлай ўз ишини унутиб уй эгасига ҳамдард бир инсонга айланади. Бу фильмда инсон психологияси устамонлик билан кўрсатиб берилган.

“Ишбилармон одамлар” фильмидан уч йил ўтиб 1965 йилда экранга “Операция Ы ёки Шурикнинг саргузаштлари” номли кино новелла чикди. Бу кино новелла ҳақида гапирар эканмиз, ўша даврда энг кўп касса йиғган

фильм бўлганлигини айтиб ўтиш жоиз.²⁰ Фильм сюжети устамонлик билан курилган. Бу фильм образлари ўзига хос характерга эга бўлиб томошабинга яқиндир. Ундан ташқари фильмдаги ҳар бир жумла инсонда кулгу уйғотади. Фильмда Шурик образини яратган Александр Демяненко томошабинлар тасаввурида бутунлай “Шурик”лигича қолди. Бир фильм учта новелладан иборат бўлиб ҳар бири бош қаҳрамон Шурик билан боғлиқдир. Биринчи новелласи талабалар ҳаётидан олинган. Унда талаба Шурик ва Лиданинг якуний имтиҳонга тайёргарлик кўриши тасвиланган. Қиз автобусда конспект дафтарини ўқиб кетаётган бўлади. Бир автобусда кетаётган шурикнинг кўзи конспектга тушади. Натижада қиз ва йигит бир-бирларига умуман аҳамият бермаган ҳолда конспект ўқиб қизнинг уйига келишади, овқатланишади ва яна институтга қайтиб боришади. Иккиси ҳам имтиҳон топшириб чиқиб тасодифан танишиб қолишади. Аммо куннинг ярмини бирга ўтказганларидан хабарлари ҳам бўлмайди. Бу новеллада режиссёр талабалар характерини ўта моҳирона очиқ берган. Гўя талабалар ҳаётига кўзгу тутилгандай.

Леонид Гайдай ижодига назар ташлар эканмиз қисқа метражли фильмлар орқали томошабинлар қалбига кириб борганини кўришимиз мумкин. У фильмда ҳажм эмас балки ритм ва воқеа ривожига катта аҳамиятга эгаллигини тушуниб ўзи яратган фильмларида бундан устамонлик билан фойдаланган. У фильмларида узоқдан-узоқ диологлардан қочган. У қўллаган қисқа ва лўнда репликалар эса юмор билан суғорилган. Леонид Гайдаининг қисқа метражли комедияларидаги кўпгина жумлалар машҳур ибораларга айланган.

Йигирманчи асрнинг иккинчи ярмида телевидение санъати пайдо бўлгач баъзи спептиklar телевидение кинони умуман сиқиб чиқаради деб башорат қилишган эди. Аммо аксинча телевидение кинонинг томошабинлар ҳонадонига кириб боришига сабабчи бўлди. Энди

²⁰ www.kino-teatr.ru/

томошабинлар кино кўриш учун кинотеатрга тушиши шарт эмас бўлиб қолди. Кино ҳар бир томошабиннинг уйига келарди. Лекин шунга қарамай кинотеатрлар бўшаб қолмади. Башоратчилар нотўғри хулоса қилганлари маълум бўлди. Техника ривожлангани билан қисқа метражли фильмларга кино продюссерлар ва кино компаниялар томонидан эътибор сезиларли даражада сусайди. Бунга қарамай бу даврда ҳам қисқа метражли фильмларни маромига етказиб ишлаган режиссёрлар бўлди.

Хулоса

Кино тарихига назар ташлаб шунга иқрор бўлдики, кино пайдо бўлиб санъат соҳасида бир мўъжиза дунёга келди. Адабиёт сўз билан таърифлаб, аммо тасвирда ифодалай олмаган, тасвирий санъат рангларда ифодалаб, лекин жонлантира олмаган, театр кўрсатиб, бироқ макондан маконга кўчира олмаган мўъжизани кино амалга оширди. У кўплаб ижодкорларнинг армонларини рўёбга чиқариш имконини яратди. Энди макон, вақт, ҳаёл тушунчалари мавҳум бўлмай қолди. Ижодкорлар бирон бир бадий тўқима кўз олдида қандай гавдаланган бўлса шундайлигича томошабинга кўрсата оладиган бўлди. Хуллас, кино санъатининг имкониятлари бошқа санъат турларидан кўра кенгроқ эди. Албатта кино тўла-тўқис ҳолича дунёга келмаган эди. У бошланғич даврда кичкинагина кўринишда бўлди. Яъни илк фильмлар бир неча дақиқагина давом этарди. Кун сайин кино ривожланиб фильмларнинг ҳажми ҳам орта бошлади ва шу тариқа қисқа метражли фильмлар бутун дунё санъатидан мустаҳкам ўрин олди. Биргина Чарльз Чаплин ижоди кино оламида қисқа метражли фильмларни шоҳ-суппага олиб чиқди. Унинг юморга бой фильмлари ҳанузгача томошабинлар томонидан севиб томоша қилиниши бунинг яққол исботидир.

Кинонинг жуда қисқа вақт ичида тараққий этишининг сабаби у нафақат санъат аҳлини махлиё қилган эди, балки тадбиркорлар ҳам кинони катта маблағ келтирувчи соҳа деб кўришди. Бир неча дақиқа ичида минглаб томошабинни жалб қилиб фойда кўриш имконияти, тадбиркорларни кино санъатининг ҳар томонлама ривожланишига сарф-ҳаражат қилишга ундади. Натижада кино тез орада тилга кирди. Кейинчалик кино оқ-қорадан ўтиб камалак рангларини ўзида акс эттира бошлади. Аммо техник тараққиётнинг ижобий хусусиятлари қисқа метражли фильмларга қайсидир маънода яқин ясади. Эндиликда

яратиладиган фильмлар соатлаб давом этиб кинозалда намоиш қилинишга мўлжалланган эди.

Лекин қисқа метражли фильмларнинг устиворлигини тушуниб шу услубда ижод қилган режиссёрлар ҳам бўлди. Шу ўринда Грузиялик режиссёрларни келтириб ўтдикки, улар қисқа метражли фильмларни миллий услуб даражасигача кўтара олдилар. Уларнинг тарбиявий аҳамиятга эга комедиялари кўплаб мамлакатлар киношинавандалари томонидан олқиш билан кутиб олинди. Ундан ташқари Леонид Гайдай ҳам назардан четда қолаётга қисқа метражли фильмларга яна томошабинлар ва киночиларнинг эътиборини қаратди. Асл санъат ҳар қандай шароитда ҳам ўз ўрнини сақлаб қолишига ишонч ҳосил қилдик.

II. Ўзбек қисқа метражли фильмларининг тараққиёт йўли.

2.1 Ўзбек қисқа метражли фильмлари орасида

мавзуларнинг хилма-хиллиги.

Ўзбек киносида 1897 йил тарихий аҳамиятга молик бўлди. Шу йили Тошкент шаҳрида биринчи киносанс бўлиб ўтди. Шундан кейин Тошкент ва бошқа шаҳарларда кино намоишлар бўлишда давом этди. Асосан кино намоиши бинода, ёки ёз кунлари кечки пайтлар очик ҳавода кўрсатилган.²¹ Йигирманчи асрнинг бошида Тошкентда илк кино билан шуғулланадиган алоҳида ташкилотлар ташкил топади. Улар турли хил жанрдаги ва мавзудаги қисқа метражли фильмларни томошабинлар эътиборига ҳавола этишарди. Аммо, ўзбек томошабини ўз юрти тўғрисидаги хроникал ҳужжатли фильмларни катта қизиқиш билан кўришар эди. Бу қисқа метражли ҳужжатли фильмларда халқнинг миллий байрамлари, бозор билан боғлиқ саҳналар ва Тошкент шаҳри ҳамда бошқа вилоятлар кўриниши акс эттирилганди. Бу кўринишлар шу даврда юртимизга ташриф буюрган Москва, Петербург, Париж кинофирмалари операторлари томонидан тасвирга олинган. Шулар орасида Люмьер томонидан жўнатилган оператор Феликс Месгиш Самарқанд, Бухора, Тошкент шаҳарларида суратга олиш ишларини олиб бориб, Бухоро амири ҳаётини ёритади. Ундан ташқари ушбу шаҳарларда мавжуд карвонсарой, тарихий бинолар, шаҳар аҳолисининг кундалик ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи лавҳаларни тасвирга олади. Лекин Феликс Месгиш ва русс операторлари томонидан суратга олинган тасвирларда ўзбек халқинининг реал ҳаёти акс эттирилмасди. Чунки улар нигоҳида, юртимиз эгзотик ўлка эди.

Ўлкамизнинг асл гўзаллиги ва халқнинг турмуш тарзини ҳаққоний тарзда тасвирлаган оператор Ҳивалик Худойберди Девонов бўлди. У

²¹ Х.Абул-Касимова. Рождение узбекского кино.-Т.:Наука,1965.-С.6

биринчи ўзбек кино оператори бўлиб, ўзбек киносининг равақ топишига улкан ҳисса қўшди.²² Унинг ишларида асосан юртимизнинг тарихий воқеалари акс эттирилган. Худойберди Девонов томонидан тасвирга олинган ҳужжатли фильмлар ҳозирги кунда ўзбек хроникасининг қимматли мероси ҳисобланади.

1924 йили 21- апрелда “Бухкино” ташкил топди. Бу киностудияда биринчи бўлиб “Ўлим минораси” бадиий фильми тасвирга олинди. Фильмни суратга олиш учун тасвирга олиш гуруҳи режиссёр В.Висковский бошчилигида ташриф буюради. “Бухкино” ундан ташқари ўлка бўйлаб кинотеатрлар куриш ва уларни фильмлар билан таъминлаш ишларини йўлга қўяди.

1925 йилда Тошкентда “Шарқ юлдузи” кинофабрикаси ишга тушади. Кичик жойда жойлашганига қарамай кинофабрика бир йилдан кейинок фильмлар суратга ола бошлайди. Аммо, ўша даврда ўзбек киноси бирқанча қийинчиликларга учрайди. Бунга ўзбек кинематография анъанаси мавжудмаслиги, бу соҳада мутахассислар деярли йўқлиги ва энг асосийси ўзбек киносининг ўзбек миллий адабиёти ва театри билан ҳамкорликда ишламагани сабаб бўлади. Ўзбек миллий кадрларини етиштириш мақсадида, Й. Аъзамов, С. Искандаров, М. Рахимов, А. Умаров, Р. Пирмуҳамедов, М. Расулов, Р. Аҳмедов каби ёшлар Москва ва Ленинград (Петербург) шаҳарларига кино соҳаси бўйича назарий билим ва амалий тажриба орттиришга юборилади.²³ У ерда ўқиб келган ёшлар Ўзбекистонда кино курслар ташкил қиладилар. Бу ўзбек киносининг тараққий этишига хизмат қилади.

Ўзбек киноси тарихида ўчмас из қолдирган Наби Ғаниев, Комил Ёрматов, Йўлдошев Аъзов, Сулаймон Хўжаев, Раҳим Пирмуҳамедов, Малик Қайумов, Эргаш Ҳамраев каби кино ижодкорлар ўзбек киносининг

²² Х.Абул-Қасимова, Д. Тешабаев, М.Мирзамухамедова. Кино Узбекистана.-Т.:Гафур Гулям,1985.-С.10

²³Х.Абул-Қасимова. Рождение узбекского кино.-Т.:Наука,1965.-С.35

ривожига улкан хисса қўшдилар. Улар томонидан яратилган фильмлар ўзбек ва жаҳон кинофондидан ўрин олган. Улар асосан тўлиқ метражли фильмлар эди.

Йигирманчи асрнинг иккинчи ярмида яратилган ўзбек қисқа метражли фильмлар асосан ўша йили ўз ижодий фаолиятини бошлаётган режиссёрларга тегишли бўлиб улар Москва шаҳрида ВГИК киностудиясида суратга олинган эди. Афсуски ўша даврда ўзбек режиссёрлари томонидан олинган фильмлар Ўзбекистонга олиб келинмаган. Шухрат Аббасовнинг «Васисуалий Лоханкин» номли қисқа метражли фильми, Рустам Хамдамовнинг «Тоғларда қолган қалбим» номли қисқа метражли фильми шулар жумласидан.

Шухрат Аббасовнинг «Васисуалий Лоханкин» номли қисқа метражли фильми 1958 йилда суратга олинган бўлиб фильм сюжети И. Илфа ва Э. Петровалар қаламига мансуб «Отин бузоқ» номли романдан олинган парча асосига қурилган. Ушбу фильмнинг иккинчи режиссёри Георгий Данелия съёмка жараёнини эслар экан шундай дейди: «Фильм 600 метрлик плёнкага икки кун ичида суратга олинган эди. Маблағ танқислиги сабабли бош қаҳрамонлар ролини МХАТ мактаби талабалари Женя Евстигнеев ва Галя Волчоклар томонидан текинга ижро этиб берилган эди.»²⁴ Фильм ўртасидаги сахнани энг охирида суратга олишган. Унда қаҳрамон дивандан сакраб туриб стол ёнига бориб карточкани йиртиб яна диванга ётиши керак бўлган. Плёнка зўрға битта дублга етадиган бўлиб актёрдан тез ҳаракат қилиш талаб этган. Аммо Евстигнеев «Мотор» командасидан кейин дивандан секин туриб боради, карточкани йиртиб секин диванга ётади ва «ёрдам беринглар» деб пичирлайди, шу маҳал плёнка тугайди. Кейинчалик фильм монтажидан сўнг айнан шу сахна кулгули ва ҳаққоний чиққани маълум бўлади. Курс раҳбари Михаил Ромм фильмнинг яхши

²⁴ Георгий Данелия. Безабитный пассажир: «байки»кинорежиссёра». Глава «лишние подробности».

чиққанлигини таъкидлаб ўтади. Афсуски бу фильмни ўзбек томошабинларига намоёни қилишнинг имкони йўқ.

Рустам Усмонович Хамдамов режиссёр, сценарист ва ҳам ассоциатив, метафорик тасвирий кинотилнинг асосчиси бўлиб унинг илк иши “Тоғларда қолган қалбим” номли қисқа метражли фильмдир. У 1967 йилда ВГИКда Уильям Сароян ҳикояси асосида суратга олинган. У 31 дақиқа давом этиб ретро усулида олинган. “Тоғларда қолган қалбим” қисқа метражли фильми оқ-қора бўлиб овозсиз фильмга тақлид қилиб олинган. Фильм сюжети фортепьяно мусикаси садоси остида кечиб текст кадр ортидан ўқиб турилади.

Фильм воқеаси шаҳарга бир машҳур актёрнинг қўлида труба чолғу асбоби билан келишидан бошланади. Қўриқчи лақабли болакай ва бир қиз ундан мусиқа чалиб беришни сўрашади, у эса бир стакан сув сўрайди. Гапга гап уланиб унинг машҳур актёр Марк Григор эканлиги маълум бўлади. Уларнинг гапини боланинг отаси ва бувиси эшитиб қолишади. Актёр кўп “Қаерда...?” деган саволларга тоғларда қолиб кетган деб жавоб беради. Боланинг отаси ва бувиси мусофир актёрни меҳмонга таклиф қилишади. Уй эгалари болани бир дўконга қарзга озиқ-овқат олиб келишга юборишади.

Бола дўконга келиб қарзга озиқ-овқат маҳсулоти сўрайди, аммо дўкондор яна қарзга нарсани беришдан бош тортади. У боладан отаси нима иш қилишни сўрайди. Болакай отаси ҳеч ким билмайдиган машҳур шоир бўлиб фақат шеърини ёзишини айтади. Дўкондор боланинг отаси қачон пул олишини сўраса, бола: “...ҳам машҳур бўлиб ҳам пул топиб бўлмайди...”-деб жавоб беради. Бу жумла билан ҳам сценарий муаллифи ҳам режиссёр Рустам Хамдамов ўша даврда ижодкор аҳлининг қийин аҳволини ифодалашга ҳаракат қилган. Дўкондор болага ачиниш билан пишлоқ ва нон бериб юборади.

Бола, отаси, бувиси ва актёр стол атрофига овқат таннавул қилиш учун ўтиришади. Болакай бувиси ёш пайтида опера қўшиқчиси бўлганлигини ва бутун дунёни турли ҳашамкор кийимларда кезиб чиққанлигини айтади. У хатто сақланиб қолган кўйлакларидан бирини кийиб актёрга қўшиқ айтиб бермоқчи бўлди. Лекин вақт ўтиб анчагина тўлишиб қолган аёлга кўйлак сиғмайди. У қанчалик уринмасин, йиғлаб сиқтамасин кўйлакни кия олмайди. Бу кўриниш билан режиссёр вақтни қайтариб бўлмаслигини айниқса машҳурлик ўткинчи ҳолат эканлигини тасвирламоқчи бўлган.

Актёр овқатланиб бўлгач уй эгаларидан беркитиб озгина нон бўлаги билан пишлоқни ички чўнтагига солиб олади. Режиссёр бу эпизод орқали баъзи машҳур одамларнинг ҳаёти сўнггида ночор аҳволга тушиб қолишларини кўрсатиб бермоқчи бўлган. Айниқса актёрнинг “Одам қариганида бир бурда нон муҳим...” деган жумласи томошабинга актёрнинг аҳволини етказиб беришда устамонлик билан топилган. Мусофир актёр уй эгаларига миннатдорчилик сифатида мусиқа чалиб беради. Унинг мусиқасини эшитиб қўшни ҳонадонларда истекомат қилувчилар ҳам уйларида чиқадиладар, кўчадан ўтиб кетаётган йўловчилар тўхтаб ҳам қалбларни қайғуга солувчи ҳам севинтирувчи мусиқани тинглайдиладар.

Рустам Хамдамовнинг “Тоғларда қолган қалбим” номли қисқа метражли фильми ҳақида гапирар эканмиз унунг ноодатий услубда суратга олинганлигини кўрамиз. Фильм ўзига хос такрорланмас почеркка эга эканлигига иқрор бўламиз. Кино танқидчи А. Туркий фильм ҳақида шундай дейди: “Рустам Хамдамовнинг “Тоғларда қолган қалбим” фильмидаги ҳар бир кадр инсонни илхомлантиради. Фильмдаги образларни ҳар бир томошабин ўзидан келиб чиқиб турлича талқин қилади. Бу фильм инсонни ижод қилишга ундайди”²⁵ Андрей Кончаловский бу фильм ҳақида гапирар экан шундай деган эди: “Рустам

²⁵ www.wikipedia.org/

Хамдамовнинг “Тоғларда қолган қалбим” фильми менга қаттиқ таъсир қилди. “Дворянлик уяси” номли фильмимни суратга олиш даврида бутунлай шу фильм таъсири остида ишлаганман.”²⁶

Рустам Хамдамовнинг “Тоғларда қолган қалбим” қисқа метражли фильми режиссёрнинг дебют иши бўлишига қарамай кино аҳлини лол қолдирган. Афсуски ўша даврда қисқа метражли фильмлар фақат режиссёрлар томонидан диплом иши сифатида суратга олинган холос ва албатта аксарият ишлар Москва шаҳрида олинган. Бу ҳолат ўзбек киноси учун катта йўқотиш бўлиб, Ўзбекистонда қисқа метражли фильмларнинг ривожланишига тўсиқ бўлган бўлиши мумкин.

Лекин шу билан бирга 1966 йилда “Ўзбек фильм” киностудияси қошида “Наштар” номли сатирик киножурнал ўз фаолиятини бошлайди. Ундан турли хил мавзуларда тасвирга олинган қисқа метражли фильмлар ўрин олган. “Наштар” сатирик киножурнали кинофельетон, киноюмор каби жанрларнинг ривожланишига сабабчи бўлди. Ушбу қисқа метражли фильмларда Марям Ёқубова, Шарофат Шокирова, Тамара Ғаниева, Раджаб Адашев, Ғани Аъзамов, Пўлат Саидқосимов, Бахтиёр Ихтиёров каби иқтидорли актёрлар рол ижро этгандилар.

Ўзбек киносининг ҳозирги кунгача босиб ўтган йўлига назар ташлар эканмиз, унунг бир хил эмас балки турли кўринишларда намоён бўлганини кўрамиз. Ўзбек фильмлари ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларини қамраб олган бўлиб унда олинган мавзулар ҳам ранг-барангдир. Ўзбек кино санъатида қисқа метражли фильмлар суратга олиш урф бўлмаган бўлсада, бу йўлда яратилган фильмлар йўқ эмас. 1971 йилда тасвирга олиниб ҳали-ҳануз зангори экран орқали томошабинлар талабига биноан намоиш этиладиган қисқа метрлардан бири “Учрашув” номли телеминиатюралардир. Бу ҳажвий йўлда олинган бадиий асар Шавкат Жунайдуллаев томонидан тасвирга олинган. Ҳам режиссёр, ҳам оператор

²⁶ www.wikipedia.org/

сифатида Шавкат Жунайдуллаевнинг бу яратган “Учрашув” номли ижодий иши ўнта қисқа кўринишлардан иборат. Халқ орасида машхур бўлганларидан бири талабанинг имтиҳон топшириши тўғрисида бўлиб, бу миниатюрада ишлатилган иборалар талаба ва ўқитувчилар ўртасида ҳазил тариқасида кўп қўлланилади.

Ушбу миниатюра талабанинг билет варақасини олишидан бошланади. Талаба ҳаяжон ила “ўн уч” рақамини “ўннн уууч” дея талафуз қилади. Дарсларга ўз вақтида тайёрланмаган талабанинг имтиҳон пайтида нечоғлик кулгули аҳволга тушиб қолишини уста санъаткор Эргаш Каримов моҳирона кўрсатиб берган. Сабр тоқатли ўқитувчи образини эса Ғани Аъзамов ижро этган. “Билимга чанқоқ” талабамиз саволни ўқишдаёқ хатога йўл қўяди. Кимёдан имтиҳон топшираётган талаба “ H_2O ” сувнинг формуласини “никконий” деб ўқийди. Анча йилдан бери ишлаб келган ўқитувчи таажжубга тушади. Бу билан режиссёр баъзи талабаларнинг канчалик ўқитилаётган фанларга эътиборсизлик билан муносабатда бўлишини кўрсатиб бермоқчи бўлган. Бу кичикгина кўринишда режиссёр кимёда оддийгина формула ҳисобланмиш сув формуласини билмай туриб олийгоҳда таҳсил олаётган бу талаба орқали олий таълим муассасаларида учраб турадиган аянчли вазиятни кулгу остига олган. Билет саволларига жавоб бера олмаган талаба ўқитувчига аллакимлардир салом деб юборишганини такрорлаб туради. Бу билан ўзбек халқида учраб турадиган таниш-билиш муносабатларига ишониб иш юрутиш ҳолатларига ҳам урғу бериб ўтилади.

Бу миниатюранинг халқ томонидан севиб томоша қилинишига сабаб фақат унинг кулгилилигида эмас, балки бир неча дақиқада жамиятдаги бир нечта муаммони кўтариб чиқилганлигидадир. Бу кўринишда кўрсатилган муаммолар кеча ҳам бўлган ҳозир ҳам учраб туради. Шунинг учун ҳам у 50 йилдан бери ўз муҳлислари сафини кенгайтирмоқда.

Шавкат Жунайдуллаевнинг “Учрашув” номли миниатюраларидан яна бири ҳақида тўхталиб ўтамиз. Бу ота-оналарнинг фарзанд тарбиясига ёндошуви тўғрисида. Ушбу кўринишда Эргаш Каримов, Бахтиёр Ихтиёров, Ҳусан Шариповлар қатнашганлар. Эргаш Каримов фарзандидан шикоят қилиб келган ўқитувчини ҳайдаб солгудай бўлади. Ўқитувчи ҳам фарзанднинг бундай безорилигига отаси сабабчилигини тушуниб қўл силтаб кетади. Ундан кейин бир ота-Бахтиёр Ихтиёров шикоят қилиб келади. Эргаш Каримов боласининг ёнини олиб: “Ўғил бола дегани шунақа муштлашиб туради, сал каттиқроқ урган бўлса, урибди-да” - деб Бахтиёр Ихтиёровни жўнатиб юборади. Сал туриб Ҳусан Шарипов айбдорона кириб келади. Безори фарзанднинг отаси уни ўғлидан шикоят қилгани келган деб эътиборсизгина тинглайди. Ҳусан Шарипов унга: “Болаларимиз тортишиб қолибди” - деса, Эргаш Каримов гапини такрорлайди. Ҳусан Шарипов ҳижолат бўлиб: “Шу сал бурнига каттиқроқ тегиб кетибди-да” - деса, Эргаш Каримов писанд қилмай: “Ҳа энди бурун ўзи мўрт нарса сал нарсаям қонаб кетаверади” -деб жавоб беради. Ҳусан Шарипов тушунган отага учрадим деб енгил тортади ва “Унда бола йиғлаб келса, ўзингиз овутиб оларсиз” –дейди. Эргаш Каримов энсаси қотиб: “Бола сизники ўзингиз овутаверинг”-деб уни жўнатиб юбормоқчи бўлади. Аммо Ҳусан Шарипов секингина: “Калтак еган бола сизнинг ўғлингиз” - деганида, ана томошани кўринг. Эргаш Каримов Ҳусан Шариповга ўдағайлаб кетади. Бечора Ҳусан Шарипов зўрға қочиб кутилади. Режиссёр бу миниатюра билан жамиятда Эргаш Каримовга ўхшаб фарзандига тўғри тарбия бермайдиган ота-оналарни кулгу остига олган. Фарзандига танбех бериб уни тўғри йўлга солиш ўрнига, унинг ёнини олиб ножўя ҳаракатларини қўллаб қувватлайдиган ота-оналарни ташқаридан қандай кўринишларини моҳирона тасвирлаб берган. Ўзбек халқи болажон халқ бўлиб жамиятда фарзанд тарбияси муҳим ўрин тутаяди. Бу миниатюра ота-оналарга сабоқ мисолида таъсир кучига эга.

Шавкат Жунайдуллаевнинг “Учрашув” номли миниатюраларининг ҳар бирида жамиятда учрайдиган камчиликлардан ташқари ўзбек урф одатларнинг бўрттириб юборилиши ҳамда уларнинг ижобий хусусиятининг салбий томонга айланиб кетиши ҳам кўрсатиб ўтилган. Масалан, тўй олдида келин томонникига киёв-Эргаш Каримов маслаҳат солиш учун келади. Тўй ҳарахатларини келишиб олиш учун келган киёвга келин томон “ҳеч нарса керак эмас”-деб гап бошлашади. Ана энди рўйхатнинг чексизлигини кўринг. У дунёдаги қариндошлар ҳам сарпо рўйхатига қўшиб қўйилган. Охири кўринмайдиган бу рўйхатни эшитган киёв эсдан оғади. Эргаш Каримов “Трактор заводи, конфет заводи, самалёт...керак эмасми”- дея бўлғуси қариндошларини бирма-бир ҳаёлан отиб ташлайди.

Бу миниатюра қанчалик кулгули бўлмасин, шунчалик қайғули ҳамдир. Чунки жамиятимизда тўй қиламан деб ортиқча исрофгарчиликка йўл қўядиган, қуда томонни қийин аҳволга солиб қўядиганлар йўқ эмас. Афсуски гўзал бир ўзбек одатини салбий моҳият касб этишига олиб келувчилар ҳалқимиз орасида учраб туради. Бу муаммони кулгу орқали етказиб бериш катта маҳорат талаб этади. Шавкат Жунайдуллаев бунини устамонлик билан амалга оширган. Унинг “Учрашув” номли миниатюраларининг муваффақиятли чиқишида актёрларнинг роли бекиёсдир. Унда Ғани Аъзамов, Соҳиб Хўжаев, Рауф Болтаев, Эргаш Каримов, Бахтиёр Ихтиёров, Хусан Шарипов, Садир Зиёвуддинов, Турғун Зоҳидов, Абдурахм Аҳмедов, Рўза Каримова, Олима Файзиева каби уста санъаткорлар асар қаҳрамонларини ишонарли тазда талқин қилишган. Улар кулгули кўриниш ушун бачкана қилиқларни қўллашдан қочиб образларнинг ички дунёсини томошабинга таъсирли қилиб етказиб беришга ҳаракат қилишган.

Шавкат Жунайдуллаев “Учрашув”да ҳақиқатдан ҳам томошабинга унинг қиёфасини кўзгуда акс эттириб берган. Чунки инсон ўзининг

кимлигини фақатгина кучли ҳис ҳаяжонга тушгандагина англаб етади. Бундай жараён эса кинозалда томошабин қайсидир персонаж билан идентификациялашганда содир бўлиб туради. Шундагина томошабин ўзини ташқаридан кўра олади. Ўзини ўзи таҳлил қилади, хуласа чиқаради. Қарама-қарши туйғулар оғушида қолган, кундалик ҳаётда йўл тополмаган томошабин йўл кўсатувчи арқонни қўлга киритгандай ўзлигини англаб етади. Аммо томошабинни етакловчи арқон режиссёр бўлиб у томошабинни бир неча дақиқа ичида йўлга сола олиши керак бўлади.²⁷ Ана шундай вазифани Шавкат Жунайдуллаев аъло даражада амалга оширган дейиш мумкин.

Шавкат Жунайдуллаевнинг “Учрашув”и ҳақида гапирар эканмиз, асар муаллифларини қайд этиб ўтиш жоиз. Ушбу миниатюралар яратишда Саид Аҳмад, Алп Жамол, Мухтор Худойқулов, Эргаш Каримов, Элбек Мусаев асарларидан фойдаланилган. Яхши асар эса фильм муваффақиятли чиқишининг эллик фоиз гаровидир. Америка ёзувчилар уюшмасининг раиси Сид Фильд шундай деб ёзган эди: “Яхши режиссёр яхши сценарий асосида муваффақиятли фильм яратиши мумкин, аммо яхши режиссёр ҳеч қачон ёмон сценарий асосида етук фильм ярата олмайди. Бунинг ҳеч ҳам иложи йўқ.”²⁸

²⁷ Игорь Манцов. Плоды просвещения. - Кино Искусства. №2, февраль 2008

²⁸ Melinda Corey, George Ochoa. American film Institute.- Dorling Kindersley Publishing, Inc., November, 2002.- p.173

2.2 Ўзбек қисқа метражли фильмларини суратга олишда қўлланилган услублар.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг ўзбек кино санъатида ижобий ўзгаришлар содир бўлди. Энди фильм яратилаётганда тузимни мадҳ этиш талаб этилмади. Фильм ўзида миллий колоритни акс эттириши жиноят ҳисобланмади. Президентимиз айтганларидай “Эркин ижод учун, миллий қадриятларимиз ва бой сермазмун ҳаётини тўлақонли ва ҳаққоний акс эттириш учун зарур шароитлар яратилди.”²⁹ Бу даврда яратилган ва яратилиб келинаётган фильмлар ўзбек халқининг урф-одатларини ва орзу-хавасларини ўзида мужассам этади. Фильм қаҳрамонлари эса ўзбек менталитетига хос характерга эга бўлиб халққа яқин туради. Фильм сюжети ҳам ўзбек халқининг ҳаётидан олинади. “Мамлакатимизда эркин демократик жамият барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ўзгариш ва ютуқларни, миллий истиқлол ғоясининг мазмун-моҳиятини кино санъати воситасида бадиий акс эттириш, кинематография соҳасининг халқимиз ҳаётидаги, айниқса, ёшлар тарбиясидаги ўрни ва таъсирини кучайтириш, ғоявий-бадиий савиясини ошириш, уни ҳозирги замон талаблари асосида янада такомиллаштириш мақсадида”³⁰ 2004 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан фармон қабул қилиниши ҳам бежизга эмас.

Мустақиллик йилларида ўзбек қисқа метражли фильмлар суратга олинди. Улар асосан тўлиқ метражли фильмлар яратиб ўзбек кино санъатида салмоқли ўринга эга режиссёрлар томонидан тасвирга олинган. Шундай қисқа метражли фильмлардан бири Жаҳонгир Қосимов томонидан 1992 йили яратилган “Шўр пешоналар” қисқа метражли фильмидир. Ушбу фильм комедия жанрида бўлиб томошабинлар томонидан хали-ҳануз севиб томоша қилинади. “Шўр пешоналар” Зулфиқор Мусоқов сценарийси

²⁹ Islom Abdugʻaniyevich Karimov. Yuksak maʼnaviyat-yengilmas kuch.-T.: Maʼnaviyat, 2008.-133-bet

³⁰ Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining farmoni 16.03.2004 y. N ПФ-3407

асосида суратга олинган. Фильмда таниқли актёрлар Бахтиёр Ихтиёров, Хусан Шарипов, Римма Аҳмедова, Дилбар Икромовалар рол ижро этганлар.

Фильм сюжети жуда қизиқарли бўлиб ҳали бу каби мавзуда фильм яратилмаган эди. Бахтиёр Ихтиёров талқинидаги қаҳрамон бутун умр лотарея ўйнайди. Аммо бирон марта ҳам омади келмаган. Шундай кунларнинг бирида футболга ютуқли чипта сотиб олади. Лекин аксига олиб неварасининг туғилган куни бўлиб қолади. Хотини –Римма Аҳмедова жанжал қилиб невараларининг туғилган кунига боришга мажбур қилади. Йўлда кетаётиб қўшниси Хусан Шариповни кўриб чипталарни унга беради. Қўшнисининг “Ютуқ чиқса-чи?” деган саволига “Тенг яримга бўлмиз” деб жавоб беради. Қўшни футболга қизиқмаса ҳам, лотарея ўйнамаса ҳам, наилож футбол стадионига боради. Буни қарангки, унга омад кулиб боқади. У автомобиль ютиб олади. Ўзида йўқ хурсанд Хусан Шарипов ижросидаги қаҳрамон ирим қилиб, ҳеч кимнинг кўзи тегмасин деб уйга қоронғуда қайтади. Эри-хотин машинанинг устини ёпиб қўйишади. Эртаси куни омади чопган қаҳрамонимиз совға-салом олиб чипта берган қўшнисининг уйига боради. Аммо ютуқ ҳақида лом-лум демайди. Кетар чоғида уй эгалари “Ютуқ чиқмадими?” деб сўраб қўйишади. Худди унинг машинасини олиб қўйишаётгандай омадли қаҳрамонимиз “машинани ҳеч кимга бермайман!” деб жазавага тушади.

Кейинги кўринишда, ютуқ чиққан қўшни машина ичида, чипта эгаси ташқарида унга дўқ-пўпса қилаётган бўлади. Бутун маҳалла йиғилиб икки томонга бўлнишади. Бир тараф ютуқ чипта эгасига тегишли деса, яна бир тараф ютуқ футболга бориб келганники дейди. Милиция ходимини чақириб келишади. У бутун кодексни ўқиб чиқиб бундай ҳолат кўрилмаганини айтади ва машинани сотиб пулини бўлиб олишни маслаҳат беради. Бутун маҳаллага манзур бўлган фикр икки қўшнига ёқмайди. Тортишув натижасида чипта эгаси ютуқнинг тенг ярмини беришга рози

бўлади. Бориб пайвандчини чақириб келади. Одамлар хайрон бўлади. Чипта эгаси пайвандчига машинани тенг яримга бўлишни буюради. Энди бахс машинани энигами, бўйигами бўлиш тўғрисида кетади. Пайвандчи кўзига ёш олиб машинани бўлмайман дейди. Одамлар иккисини ҳам эс-хушларини йиғиб олишга чақиривади. Охир-оқибат маҳалла оқсоқоли машина калитини олиб маҳалладошларнинг бирига бериб машинани овулхонасига олиб бориб қўйишни буюради. У ҳаммани тарқатиб икки қўшнини ўйлаб қўришга чақириб кетади.

Туни билан икки қўшни ухламай чиқади. Иккаласи ҳам машинани бири-бирига беришга қарор қилишади. Эрталаб қўшнилари учрашиб бири-бирларини кучоқлаб олишади. Сўнг маҳалладошларининг овулхонасига йўл олишади. Уларнинг ярашиб олганини кўрган маҳалладошлари хурсанд бўлиб овулхонанинг эшигини очади. Икки қўшни ҳам анграйиб қолишади. Не кўз билан қўришмасин овулхона бўм-бўш бўлади. Омад қандай кутилмаганда келган бўлса, шундай кутилмаганда кетади.

Режиссёр бундай якун билан одамларга кутилмаган омад ёки бойлик олдида ўзликни йўқотиб қўйиш нималарга олиб келишни кўрсатмоқчи бўлган. Жаҳонгир Қосимовнинг “Шўр пешоналар” номли қисқа метражли фильми баъзи ҳолатларда одамлар ўзларини қандай қулгули тутишларини тасвирлаб берган. Очқўзлик туфайли қаҳрамонлар яп-янги машинани бири-бирига бермаслик учун иккига ҳам бўлишга тайёрликларини намоёйиш қилар экан, ҳаётда баъзида ўзи ҳам емай бировга ҳам бермайдиган инсонларни юмор орқали кўрсатган. Ушбу фильм томошабинларга манзур бўлишининг яна бир сабаби фильм воқеаси ажойиб ҳодиса атрофига қурилган. Халқ орасида лотарея ўйнамаган ва машина ютиб олишни орзу қилмаганлар бўлмаса керак. Шунинг учун ҳам томошабин бу фильмни завқланиб кўради. Томошабин ҳар икки қаҳрамоннинг ҳолатини тушунади ва ҳеч бирини айблай олмайди. Албатта қаҳрамонларнинг ҳаққоний чиқишида актёрларнинг қойилмақом ижросини эътироф қилиб ўтиш жоиз.

Жаҳонгир Қосимовнинг “Шўр пешоналар” номли қисқа метражли фильмини кўриб фильмнинг муваффақиятли чиқишида сценарийнинг аҳамияти катталигига яна бир бор иқрор бўламиз. Фильм учун моҳирона топилган мавзу, табиий ва халққа яқин ёзилган диалоглар фильмнинг муваффақиятли чиқишини таъминлаб берган десак, хато бўлмайди.

Ундан ташқари фильмни суратга олишда танланган ритм, баъзида сокин баъзида шиддатли қаҳрамонларнинг ҳолатини очиб беришга ёрдам берган. Асосан ўрта ва йирик планлардан фойдаланилганлиги воқеанинг гўёки томошабин ёнида содир бўлаётгандай тасаввур уйғотади. Томошабин фильм ичига кириб кетади.

Умуман Жаҳонгир Қосимовнинг “Шўр пешоналар” номли қисқа метражли фильми яна кўп йиллар давомида намоёниш қилиниб томошабинларнинг дилини ҳушнуд этиши шубҳасиз.

Ўзбек киносида фаолият кўрсатаётган ёш режиссёрлардан бири Темур Мусоқов 2004 йилда “Ота” номли қисқа метражли фильм яратган. Ушбу фильм йигирма дақиқа давом этиб ота-бола ўртасидаги муҳаббатни акс эттирган. Фильм беш ёшли боланинг касал бўлиб қолишидан бошланади. Бола тез ёрдам билан касалхонага кетмаслигини айтиб хархаша қилади. Ота боласининг кўнглига қараб тез ёрдам билан келган шифокорга улар кетишини ва унинг ўзи ҳозир ўғлини касалхонга олиб боришини айтади. Тез ёрдам кетади. Эр-хотин такси тўхтатиб болани касалхонага олиб боришади, аммо навбатчи уларни совуқ кутиб олиб болани палатага қўйиб ўзлари эса кетишларини сўрайди. Ота ҳар қанча илтимос қилмасин навбатчи бўш ўрин йўқлигини айтиб уларга бола билан қолишга рухсат бермайди. Эр-хотин болани палатага олиб кириб ётқизиб чиқишади, лекин бола югуриб чиқиб дадасига бир ўзини ёлғиз қолдирмасликка вада берганини эслатади. Дадаси уйга кетмаётганини дераза остида бўлишини айтиб ўғлини тинчлантиради. Эр-хотин кўчага чиқишади. Эр хотинини уйга жўнатиб ўзи бола ухлаганидан кейин боришини айтади. Хотини уйга

кетади. У эса қолиб ўриндиққа жойлашади. Ҳар замонда бола “дада” деб деразадан қараб кўяди. Дада эса ўриндиқда ухлашга ҳаракат қилади. Бир маҳал милиция ходими келиб уни уйғотади ва ҳужжатларини текширади. Унинг нима сабабдан бу ерда ётишини сўрайди, жавобни эшитгач индамайди. Кейин машинадан бир нима олиб чиқиб даданинг олдига кўяди. Милиция ходими хотини сомса бериб юборганини айтиб уни сомсага таклиф қилади. Бу билан режиссёр оталарнинг аҳволини барча тушунишига урғу бермоқчи бўлган. Шу билан бирга ўзбек халқига хос меҳмондўстликни кўрсатиб берган. Танимаган одам билан ярим кечада сомсани баҳам кўриш фақат содда ўзбек халқига хос. Милиция ходими кетгач ота ўғлини ухлаган бўлса керак деб кетмоқчи бўлади, лекин шу пайт бола деразадан қараб қолади. Ота яна ўриндиққа келиб ётади. Тонг отади. Бола дадасини уйғотиб энди кўркмаслигини ва у уйга кетиши мумкинлигини айтади. Ота эса ишга борадиган вақт бўлганини айтади. Кечаси билан ухламай чиққан дада ишга кетади.

Фильм Зулфиқор Мусоқов сценарийси асосида олинган бўлиб, отанинг ўғлига бўлган меҳрини кичик бир ҳолат орқали тасвирлаб берган. Фильм боланинг касал бўлиши ҳақида бўлсада, боланинг дадасини муғомбирона пойлаши кулгули чиққан. Томошабинда отага нисбатан ачиниш уйғотиш билан бирга кулишга ҳам мажбур этади. Қайсидир маънода ачинарли ҳолатни кулгули қилиб тасвирлаш ўзига хос услубдан дарак беради.

Темур Мусоқовнинг “Ота” номли қисқа метражли фильмининг муваффақиятли чиқишида актёрларнинг ижроси ҳам таъсир қилган. Ота ролини Фатхулла Маъсудов қойилмақом ижро этган. Беш ёшли эркатоини эса Абдуллоҳ Ҳусанов ишонарли қилиб ўйнаган. Болакайнинг маҳоратли актёрлардек рол ижро этганини таъкидлаб ўтиш жоиз. Чунки сир эмаски, бола билан кинода ишлаш қанчалик мароқли бўлса, шунчалик мушкулдир.

Темур Мусоқовнинг “Ота” номли қисқа метражли фильмининг сюжети бошқа фильмларга ўхшамайди. Ўзбек фильмлари орасида асосан онанинг

болага бўлган муҳаббати тасвирланади. Бу фильмда эса ота-боланинг бири-бирига бўлган ишончи акс эттирилган. Ундан ташқари фильм аксарият фильмлар каби “йиғи” асосига қурилмаган, балки ҳажвиявий усулда экранлаштирилган.

Умуман олганда режиссёр фильм устида иш олиб борар экан хоҳ у тўлиқ метражли бўлсин, хоҳ қисқа метражли бир қадар қийинчиликларга учрайди. Чунки фильмнинг режиссёрлик сценарийси устида ишлаган вақтда режиссёр ҳаёлида мукаммал фильм яратади. Унда идеал об-ҳава, массовкада етарлича одам, устаси фаранг оператор, ўта таъсирчанг плёнка, ғаройиб мусиқа, пул эса хоҳлаганингча...лекин тасвирга олиш майдончасига келибоқ реалликдаги ишларнинг барчаси ҳаёлдаги ишларга тескарилигини тушунуб етасиз. Об-ҳаво бўйсинмас, ўзгарувчан, актёрлар-тирик инсон, оператор-сеҳргар эмас!..Шундай вақтда, атрофда содир бўлаётган барча ҳодисаларни иш учун қўллай олиш керак. Яъни реалликда тасвирга олинаётган асарни ҳис қила олиш керак, шунда асар ҳам ҳаётий чиқади.³¹ Фильм яратишда ана шунга риоя қилган режиссёрлар сермахсул ижод қиладилар дейиш мумкин.

Ўзбек қисқа метражли фильмлари ҳақида гапирар эканмиз, уларда нафақат юмор жанри устиворлик қилишини кўрамиз. Ўзбек қисқа метражли фильмларида ижтимоий муаммолар драматик шаклда ҳам очиб берилган. Мисол учун Хотам Файзиевнинг “Кичкина одамлар” фильми инсон ҳаётида учрайдиган яхши ва ёмонликни фожиявий ҳолатда акс эттирган. Ушбу фильм учта қисқа метражли фильмдан ташкил топган бўлиб 2007 йилда “Ватан” киностудиясида суратга олинган. Улардан бири “Ота” деб номланиб унда Пўлат Саид Қосимов, Тўти Юсупова, Алишер Узоқов, Дилноза Кубаева, Тохир Саидовлар иштирок этишган. Фильм хурсандчилик сахналаридан бошланади. Кичик ўғил- Алишер Узоқов

³¹ Вадим Абдрашитов. Москва «А что, произошла смена эпох?». - Кино Искусства. №9, сентябрь 2008

лотарейдан машина ютиб олади. Қишлоқда яшовчи ота-она бундан ўзида йўқ севинади. Ота- Пўлат Саид Қосимов севимли ўғлига онасининг мазаси йўқлигини айтиб уни машинасида шифобахш маскан, Қайнарбулоққа олиб бориб келишни сўрайди. Эркатоё ўғил эса отасидан машинага керакли нарсалар олиш учун пул сўрайди. Ота унинг тўйи учун йиғиб қўйган пулдан олиб чиқиб беради. Ўғил пулни олиб шаҳарга кетади. Бир hafta ўтиб яна отасининг олдига келган ўғил чет элга ишга кетиши учун пул кераклилигини айтади. Ота катта ўғил-Тохир Саидовдан пул олиб унга беради. Кичик ўғил жума куни келиб онасини Қайнарбулоққа олиб боришни вада қилиб кетади. Шўрлик ота ҳар жума кийиниб хотинига кетишга тайёргарлик кўришни тайинлайди. Шу тариқа ярим йил ўтади. Фарзандидан хавотир олган ота шаҳарга ўғлини қидириб кетади. Берилган манзил бўйича келган отага бир ҳомиладор аёл эшикни очади. Ота адашиб қолдим шекилли деб ўйлайди, аммо у тўғри манзилга келган эди. Эркатоё ўғил ҳеч нарса бўлмагандай отасини кулиб кутиб олади. У отасига яқин орада бойиб кетишини кейин катта тўй қилмоқчилигини оғиз кўпитириб гапира кетади. Бундай ёлғон гаплардан чарчаган аёл нолий кетади. Ота умид боғлаган ўғли барча пулни бировларга олдириб қўйиб ночор аҳволда рўёга ишониб ўтирганини кўриб қаттиқ изтиробга тушади. У ҳомиладор аёлга пул бериб индамай қишлоғига кетади. Бечора ота дардманд хотинидан барчасини беркитиб ҳамма дардни ичига ютади. Лекин дарднинг оғирлигига отанинг юраги бардош бера олмайди.

Жанозага келган кичик ўғил қишлоқдошларига ишлари ҳақида мақтана бошлайди. Катта ўғил бунга чидай олмай уни четга чақириб пул тутқзади ва “Мана бу пулга шаҳардан икки хонали уй ол, бу отамнинг васияти”- деб жанозадан жўнатиб юборади. Пулни кўриб хурсанд бўлган ўғил отасининг жанозасини ташлаб кетади. Бу билан режиссёр ўғилнинг қанчалик худбинлигини кўрсатиб берган. Ҳаётда ҳам ана шундай ноқобул

фарзандлар йўқ эмас. Хотам Файзиев ана шундай инсонларга уларнинг асл башарасини кўрсатган.

“Кичкина одамлар” фильмига кирувчи “Ота” номли бу қисқа метражли фильмда ота образи жуда таъсирли ифодаланган. Ота эркатоё ўғлининг худбинлигини била туриб унга қайғуради. Ҳатто ўлимидан кейин ҳам ўғлини ўйлаб васият қилади. Бу фильм томошабинлар қалбини жунбушга келтирмай қўймайди. Фильм қаҳрамонларининг ишонарли чиққанлиги томошабинни янада ўзига тартади. Бунга албатта ҳар бир образ учун тўғри танланган актёрлар ижроси орқали эришилган. Айниқса ота образини яратган Пулат Саид Қосимов қаҳрамоннинг ички туғёнларини моҳирона кўрсатиб бера олган. Актёр ташқи кўринишдан мос келганлиги ҳам аҳамиятлидир. Эркатоё ўғил ролини ижро этган Алишер Узоқов ҳам ҳаётга енгил қаровчи йигит ҳарактерини яхши очиб берган. Хотам Файзиев томонидан фильм учун танланган мавзу томошабинларни бефарқ қолдирмади дейиш мумкин.

Хотам Файзиевнинг “Кичкина одамлар”ига кирувчи “Кичкина одамнинг катта таниши” номли қисқа метражли фильми ҳақида гапирадиган бўлсак, бу фильмга танланган мавзуга алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Чунки бу фильмда ўзбек халқида учраб турадиган ижтимоий камчиликлардан бири кўтариб чиқилган. Яъни жамиятда ўз ўрнини топишда кимгадир ишониб иш юритиш каби инсонга хос салбий иллат бир оддийгина воқеа орқали очиб берилган.

Фильм бош қаҳрамони умрини болаларга билим беришга бағишлаган мактаб ўқитувчиси бўлиб, бу образни Дияс Раҳматов ўта таъсирли қилиб тасвирлаб берган. Бутун умри меҳнатда ўтган муаллим қариган чоғида фарзандларидан таъна дашном эшита бошлайди. Икки ўғил отасини мансабдор шахслар орасидан таниш-билиш орттирмагани, уларни “ёғли” ишга жойлаштириб қўймагани учун айблашади. Шўрлик ота фарзандларининг гапидан дили оғрийди. Шундай кунларнинг бирида

қишлоқда ўқитувчининг ўқувчиларидан бири катта одам бўлгани ҳақида хабар тарқалади. Қишлоқ аҳли бечора ўқитувчига ўқувчисига у ҳақда гапириб қўйишни сўрай бошлашади. Айниқса катта одам қиз узатаётиб қишлоқдагиларни ошга таклиф қилганда, барча муаллимга совға-салом билан бирга хат бериб “илтимоснома”ни катта одамга етказишни тайинлашади. Ҳар доим отасини айблаган ўз ўғиллари ҳам оталарини олқишлай кетишади. Бора-бора ўқитувчи ҳам ўқувчиси орқали барча ташвишлардан қутулиши мумкунлигига ишона бошлайди. Ошга ташриф буюришаркан меҳмонларнинг “кўк”идан қистириб кетишаётганини кўриб муаллим кулиб қўяди. Катта одам бўлган ўқувчи йўлга отланганида бечора ўқитувчи унинг орқасидан югура бошлайди. Шунча умид билан келган ўқитувчини ўқувчиси танимайди ҳам. Хўрликка чидай олмаган муаллим сув ёқасига ўтириб қишлоқдошларининг хатларини олиб сувга оқиза бошлайди. Ёши анчага бориб ҳаёти давомида кўп қийинчиликларни бошидан кечирган одам ўксиб-ўксиб йиғлайди. Фильмнинг бу сўнгги сахнаси ўта таъсирли чиққанлигига режиссёрнинг қўллаган услуби сабаб бўлди. Хотам Файзиев сўнгги сахнада кадр орти текстдан фойдаланган. Ўқитувчи қишлоқдошлари томонидан илтимослар ёзилган хатларни сувга оқизар экан кадр ортидан хатдаги гаплар ўқилади. Бу йўл билан режиссёр нафақат фильмнинг таъсир кучини оширишга, балки шу билан бирга оддий халқнинг дардини ҳам сахнага олиб чиқишга муяссар бўлган.

“Кичкина одамнинг катта таниши” қисқа метражли фильми йигирма олти минут давом этсада, бир чекка қишлоқдаги одамларнинг ижтимоий муаммолари очиб берилган. Катта мансабга эришгандан кейин келиб чиқишини, юқори натижаларга эришишига сабабчи бўлганларни унутадиган инсонлар ҳам жамиятда йўқ эмас. Мансабдор шахсларга умид боғлаб яшайдиган ишонувчан одамлар ҳам учраб туради. Умуман олганда Хотам Файзиевнинг “Кичкина одамлар” номли қисқа метражли фильмида

кўтариб чиқилган муаммолар жамиятда ҳар қандай даврда учрайдиган муаммолар бўлиб улар томошабинга моҳирона кўрсатиб берилган.

Ўзбек кино оламида ўз ишлари билан томошабин олқишига сазавор бўлган режиссёрлардан бири Зулфиқор Мусоқовдир. Унинг “Куз” номли қисқа метражли фильми 2009 йилда Темур Мусоқов сценарийси асосида олинган. Фильм воқеаси бир жойда, натурада бўлиб ўтади. Фильм куз манзарасини берувчи кадрлардан бошланади. Дарахтларнинг яшил-қизғиш рангдаги барглари. Бу кадрлар билан режиссёр томошабинни кинодаги муҳитга олиб киради. Дарахтдаги яшил-қизғиш барглари инсоннинг умрига қиёс қилиб олинган. Бир дарахтдаги ҳам яшил ҳам қизғиш барглари ҳаёт билан ўлим ёнма-ён туришидан дарак беради. Ёки бўлмаса, яшил барглари инсоннинг ушалган орзулари бўлса, қизғиш барглари унинг армонларидир.

Кейинги кадрларда бир кекса отахон йўл устидаги ўриндикда ўтирган бўлади. Йўл устига яна бир отахон келиб туради. Бу икки кекса отахон кимнидир сабрсизлик билан кутишади. Ўриндикда ўтирган отахон йўл устида турган отахонни ўтиришга таклиф қилади. Аваллига у ўтиришга рози бўлмайди. Бир неча қистовдан сўнг ўриндикнинг бир четига бориб ўтиради. Биринчи отахон унга яқинроқ ўтириб гап бошлайди. Иккинчиси ҳам хоҳламайроқ гаплаша бошлайди. Уларнинг суҳбатидан маълум бўлишича бир вақтлар иккиси ҳам бир қизни севиб қолиб бирин кетин совчи қўйишган бўлади. Аммо иккаласи ҳам ошиқ бўлган қиз уларга рад жавобини берган бўлади. Кейинчалик иккиси ҳам оила қуриб бола-чақали бўлишади. Ҳозирда улар бева. Йиллар ўтсада биринчи муҳаббатларини унита олмаган бу икки отахон ҳар куни шу йўлга келиб буви бўлган ўша қизнинг ўтишини кутиб ўтиришади. У ҳар куни бир вақтда шу йўлдан ўтади.

Отахонлар ўша даврларни эслашар экан вақт ўтиб боради. Уларнинг иккиси ҳам нега ёшлиқдаги муҳаббатларининг кечга қолаётганига хавотир олишади. Уни касал бўлиб қолдимикин деб безовта бўладилар. Шу маҳал

улар олдиға яна бир отахон келиб ўтиради. Улар ўзларини ноқулай сезишади. Бу кекса одам ўша қизнинг турмуш ўртоғи эканлиги маълум бўлади. У узоқ сукут сақлаб кейин хотини бугун қазо қилганини айтиб уларни пешинга мархумни чиқаришга таклиф қилади. Икки отахон кўзёшларини мархуманинг эридан беркитишга ҳаракат қилишади. У туриб кетгач иккиси бир-бирига суяниб йиғлайди. Отахонлар бири-бирига далда бериб мархумани чиқаришга кечга қолмайлик деб туриб кетишади. Шу ўринда режиссёрнинг топилмасини айтиб ўтиш керак. Мархуманинг эри ҳар куни икки отахоннинг йўл устида турмуш ўртоғини кутиб ўтиришини билиб уларга унинг вафот этганини хабар бериб бошқа кутишмаслигини айтгани келиши ўта таъсирли чиққан.

Умуман фильмда уччалла отахоннинг бир аёлни севиши ва бундан уччалласининг ҳам хабардор бўлиши аммо бир-бирларининг ҳис-туйғуларини ҳурмат қилишлари моҳирона кўрсатиб берилган. Образларнинг муҳаббатлари тўғрисида ийманиб гапиришлари ўзбек халқига хос менталитетни намойиш этган. Зулфиқор Мусоқовнинг “Куз” номли қисқа метражли фильми севги мавзусига қурилган бўлишига қарамай, бошқа шу мавзудаги фильмлардан тубдан фарқ қилади. Унда фильм ҳолати табиат ҳодисалари билан беришга ҳаракат қилинган. Ундан ташқари фильмдаги диалоглар устамонлик билан қурилган. Яъни диалоглар образларнинг ёшига ва характериға мос тузилган. Шу билан бирга қаҳрамонлар гапи фильмнинг умумий ҳолатини очиб беришга хизмат қилган. Фильмда олис планлардан устамонлик билан фойдаланилган. Икки отахоннинг олисга кўз тикиши, гўёки уларнинг ўтмишини хотирлашиға ўхшайди. Тасвирға олишда сокин ритм танланиши образларнинг ички кечинмаларига ҳамоҳанг тушган.

Албатта фильмнинг ишонарли чиқиши актёрлар ижросига боғлиқ. Фильмда Диас Рахимов, Садриддин Зиё, Маннон Убайдуллаев каби уста санъаткорлар қатнашиши фильмнинг омадли чиқишини таъминлаб берган.

Зулфиқор Мусоқовнинг “Куз” номли қисқа метражли фильми ўн уч дақиқа ичида бутун бир инсоннинг умрини унинг орзу-ҳавасларини ва армонларини акс эттириш мумкинлигини яна бир бор исботлади десак, хато бўлмайди. Тўлиқ метражли фильмлар яратиб келган бу режиссёр қисқа метражли фильмлар ҳам томошабинга манзур бўлишини кўрсатди. Бу билан бошқа режиссёрларни ҳам қисқа метражли фильмлар яратишга илхомлантиради.

Юқорида ижодига тўхталган режиссёрлар асосан тўлиқ метражли фильмлар суратга олишади. Аммо шунга қарамай қисқа метражли фильмлар ҳам тасвирга олишган. Мисол учун, Зулфиқор Мусоқов “Куз” фильмини “кўнгли” учун олган. Лекин шундай бўлса ҳам, томошабинлар эътиборига тушган. Бу фильм катта экранларда намоёиш этилмаган бўлса ҳам, киношинавандалар орасида кенг тарқалган. Бундан келиб чиқадики яхши асар ўз эгаларини топади.

Жаҳонгир Қосимовнинг “Шўр пешоналар” номли қисқа метражли фильми эса зангори экраннинг “хит” фильмларидан бирига айланган десак бўлади. Ушбу фильм қисқа метражли бўлишига қарамай, тўлиқ метражли фильмлардан кўра кўпроқ ўз мухлисларига эга.

Хулоса

Ўзбекистонда кино санъати вужудга келган давридан бошлаб турли хил жараёнларни бошидан кечирди. Аммо тараққий этишдан тўхтаб қолмади. Йилдан-йилга ҳам техник, ҳам бадиий жихатдан ривожланишда давом этди. Ўзбек киноларида жамиятда мавжуд бўлган турли хил муаммолар ўз аксини топди. Уларда жамиятда учраб турадиган иллатлар турли йўллар билан баъзан ҳажвий, баъзан драматик равишда тасвирланди. Ўзбек киносига ҳужжатли, бадиий, фильмлар тез суръатда ривожланди. Аммо ўзбек кино санъатида қисқа метражли фильмлар йўналишида бир мунча озроқ фильмлар яратилди. Шунга қарамай ўзбек қисқа метражли фильмларини алоҳида жабҳа сифатида ўрганиш учун уларни етарлича дейиш мумкин.

Қисқа метражли фильмларни ўрганиш жараёнида уларни асосан тўлиқ метражли фильмлар яратувчи режиссёрлар ижодида учратдик. тўлиқ метражли фильмлари билан элга манзур бўлган Зулфиқор Мусоқовнинг “Куз” номли қисқа метражли фильмини муҳокама қилиб унинг режиссёр томонидан кўнглидаги бир дардни ифодалаш учун айнан қисқа метрдан фойдаланганлигининг гувоҳи бўлдик. Бу фильм орқили режиссёр “касса” йиғиб олмаган бўлсада, ички кечинмаларини ифодалашга муяссар бўлди ва бу албатта мухлислар эътиборидан четда қолмади.

Жаҳонгир Қосимовнинг “Шўр пешоналар”ини таҳлил қилиш жараёнида шу нарса аён бўлдики, унча-мунча тўлиқ метражли фильмлар ҳам эриша олмаган шуҳратга эришди. Бу фильмни комедия жанрида яратилган фильмлар орасида энг машҳурларидан бири десак, хато бўлмайди.

Ундан ташқари қисқа метр йўналишида яратилган “телеминиатюра”лар ҳақида гапириб ўтиш жоиз деб билдик. Уста санъаткорлар томонидан яратилган бу санъат асари халқ кўнглидан жой олибгина қолмай ундаги

диалогларгача томошабинларга ёд бўлиб кетганлигига ишонч ҳосил қилдик.

Хотам Файзиевнинг “Кичкина одамлар” фильми эса қисқа метражли бўлишига қарамай кинотеатрларда намойиш қилинди. Бу билан шундай хулоса чиқариш мумкинки, қисқа метражли фильм ҳам “кассабоп ” бўлиши мумкин. Фақат бир оз ижод қилиш керак экан халос. Хотам Файзиев бунга урта қисқа метражли фильмни бир ном остида бирлаштириш билан эришди. Демак, режиссёрларимиз ҳаракат қилишса, қисқа метражли фильмлар орқали ҳам ўз ижодларини кинотеатрларда кенг оммага намойиш эта оладилар. Бунинг учун бир нечта режиссёр бирлашиб иш олиб борсалар, кино яратиш чоғида вужудга келиши мумкин бўлган қийинчиликларни биргаликда енгиб ўтишлари мумкин бўлар экан.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсам, ўзбек кино тарихига, айниқса қисқа метражли фильмларга доир адабиётлар қидириш чоғида улар ёритилган адабиётларнинг санокли экани маълум бўлди. Келажакда ўзбек киносини ўрганишда қўл келадиган адабиётлар яратилишига улкан эҳтиёж борлиги аён бўлди. Ўзбек қисқа метражли фильмларини бир руқна остида йиғиб уларни таҳлил қилиб кейинчалик фойдаланиш учун фонд ташкил қилиш керак деган хулосага келдим.

III.Замонавий киножараён ва ўзбек қисқа метражли фильмларининг яратилишида учрайдиган муаммолар.

3.1 Янги авлод ижодкорларининг ўзбек қисқа метражли фильмлари яратилишида тутган ўрни.

Йигирма биринчи аср технологиялар тараққиёти асри десак хато бўлмайди. Барча соҳаларда янгидан-янги ўз ўрнида мураккаб аммо инсон ишини бир неча баробарига енгиллаштириб берадиган технологиялар вужудга келди. Ҳар бир соҳа ривожланиб бир неча тармоқларга бўлиниш жараёни содир бўлди. Кино санъатини оладиган бўлсак, компьютер технологияларининг такомиллашуви натижасида бир аср олдин амалга ошириш имкони бўлмаган ижодкор орзуларининг деярли барчаси бир жойда ўтириб амалга оширилмоқда. Яъни компьютер монтажи орқали ҳар қандай рўё ҳақиқатга айланмоқда. Техник ютуқлар туфайли кино санъатида турли хил жанрлар, тасвирга олиш услублари пайдо бўлди. Жаҳон киносида асосан “action”, фантастик, триллер жанрида фильмлар суратга олина бошланди.

Қисқа метражли фильмларни эса асосан “мустақил ижодкор” режиссёрлари ёки санъат йўналишида таълим олувчи талабалар тасвирга олишади. Ўзларининг маҳоратини намоён этиш учун талабалар кичик маблағ эвазига кичик бир воқеани акс эттириб қисқа метражли фильмлар суратга олишади. Бир неча уринишдан сўнг продюссерлар ёки кино студиялар эътиборига тушгач тўлиқ метражли фильмларга ўтиб кетишади.³² Улар ўрнига яна бошқа талабалар оқими кино оламига қисқа метражли фильмлар орқали кириб келишади. Баъзи режиссёрлар эса айнан қисқа метражли фильмлар йўналишида ижод қилишни афзал кўришади. Улар олам, жамият, инсониятга ўз наздида боқиб уни кинотасмага акс эттириб кичик маблағ эвазига “ўз дунёси”ни “қисқа метражли фильмлар”-

³² www.wikipedia.org/

ини яратадилар. Улар ғарб мамлакатларида “art filmmakers” яъани “санъат режиссёрлари” ёки “independent filmmakers” яъни мустақил режиссёрлар” дейилса, шарқда эса муаллиф режиссёрлар деб аталадилар. Улар томонидан яратилган фильмлар жаҳонда ўтказилган кинофестивалларда иштирок этиб асл “санъат асари” шинавандаларини хайратга солади.

Умуман олганда ҳозирги кунда ҳақиқатдан ҳам санъат асари деб ҳисобласа бўладиган қисқа метражли фильмларни тўплаш осон эмас. Чунки “кино ишлаб чиқариш” жараёни бутун дунёни ўз домига тортган. Кино соҳасида кинематографик дид ва маданиятни шакллантириш учун эса бу соҳада таълим тарбияга алоҳида эътибор бериш талаб этилади. Фақат юксак эстетик дидга эга кино ижодкоргина ўз асарларида олий ғояларни акс эттира олади. Аммо кино санъатида юзага келаётган бир хилликка қайсидир маънода кўникиб қолмоқдамиз. Яъни тасвирий ифодаларнинг бир-бирига ўхшашлиги одатий ҳолатга айланиб бормоқда. Бу нарсa шунга олиб келмоқдаки, лирик переамбула кичик бир кўтаринкиликнинг катта бир тантанага айлантириб юборилишига сабаб бўлмоқда.³³ Яъни қайсидир маънода юзакилик юзага келиб арзимайдиган воқеалар биринчи планга чиқиб, асосий ҳодисалар кейинги ўринга тушиб қолмоқда.

Айнан қисқа метр формати муаллифларга ўз дунёқарашларини эркин тарзда намоён қилишга имкон яратди. Тижорат фильмларига қарши ўлароқ бу йўналишда ижодкорлар қалбларига қулоқ тутиб ижод борасида ҳеч қандай экспериментлардан қўрқмай фаолият олиб боришлари мумкин.

Ўзбек қисқа метражли фильмлар яратишида асосан кино ва телевидение режиссёрлиги йўналиши бўйича таҳсил олаётган талабаларнинг битирув ишлари ва уларнинг илк мустақил фаолиятлари давомида яратган ишлари ўрин элгаллайди. Шундай ишлардан бири Мурод Йўлдошевнинг

³³ Марина Дроздова. Анапа-2007:Наши намёки вполне прозрачны. - Кино Искусства. №2 февраль

“Якшанба” номли қисқа метражлик фильмидир. Бу фильм тўрт дақиқагина давом этишига қарамай ижодкор ғояси аниқ ва равшан намоён бўлган. Фильм эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги кураш ҳақида бўлиб, режиссёрнинг ер юзида содир бўлаётган бузғунчиликка қарши ғояси акс эттирилган. Фильм икки актёрнинг пластик ҳаракатларига қурилган сахнавий жанг кўринишидаги эпизодлардан иборат бўлиб, унда сўзсиз яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги тўқнашув тасвирлаб берилган. Фильм қисқа, гап-сўзсиз бўлишига қарамай, унинг ғояси томошабинга равшан бўлади. Чунки ҳар бир кадр икки бир-бирига қарама-қарши образларнинг ўзаро муносабатини кўрсатиб беради. Бунда образларнинг ташқи кийёфаси ҳам катта рол ўйнаган. Экранда эзгулик образидаги қаҳрамон оқ кийимда, ёвузлик образидаги қаҳрамон қора кийимда намоён бўлади. Бу икки кучнинг кураши орқали дунёда юз бераётган уруш қўпарувчилик ҳаракатлари оқибатида юз берадиган парокандалик, вайронагарчилик ҳолатларига урғу берилган. Ундан ташқари фильмда бу кураш мажозий маънода инсон қалбида ҳам содир бўлиши тасвирланган. Фильм сўнгида эзгулик ғолиб бўлиб, инсон олдида турган икки хил йўлдан яхшиликка элтувчи йўл танланади. Экран икки қисмга ажралиб бир тарафда тинчлик шарофати билан қад кўтарган бинолар акс этса, иккинчи тарафда уруш туфайли вайронага айланган истиқомат қилишга яроқсиз харобалар акс этади.

“Якшанба” қисқа метражли фильми режиссёри Муродбек Йўлдошевнинг атрофда, умуман оламда содир бўлаётган ишларга бефарқ эмаслигидан далолат беради. Бу эса ўз ўрнида кино соҳасида етишиб чиқаётган ёш авлоднинг дунёқараши ўзига хос эканлигига ёрқин мисолдир.

“Якшанба” қисқа метражли фильми ҳақида гапирар эканмиз операторлик иши тўғрисида ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Чунки фильм оператори Александр Югай қисқа вақт ичида асар воқеасини томошабинга

таъсирли қилиб етказиб беришда мохирона иш кўрсатган. У актёрларнинг ўзаро муносабатини, нигоҳларини тўғри йирикликда ва ракурсда тасвирга олган. Албатта “Якшанба” қисқа метражли фильми муваффақиятли чиқишида монтаж устасининг ҳам меҳнати катта. Фильм монтаж устаси Андрей Лихачёв компьютер технологиясидан устамонлик билан фойдаланган. Кадрдан-кадрга ўтишда фильм кайфиятига мос келувчи темп танланган.

“Якшанба” қисқа метражли фильми ҳақида фикримизга якун ясар эканмиз, ушбу фильмда бош қаҳрамонлар ноодатий тарзда танланганлигига урғу бериб ўтиш керак. Ушбу фильмда метафизик кучларнинг бош қаҳрамон образига танланганлиги муаллиф томонидан қўйилган мақсаднинг тўғри талқин қилинишига олиб келган. Бу каби фильмлар келажакда ўз мухлисларига эга бўлиши шубҳасиз.

Ёш ижодкорлар томонидан яратилган қисқа метражли фильмларга мурожат этар эканмиз, Сарвар Каримовнинг “Прометей” фильми ҳақида гапириб ўтиш жоиз. Бу фильм 2011 йилда тасвирга олинган бўлиб сценарий муаллифи ва режиссёр Сарвар Каримовдир. Фильм давомийлиги йигирма уч дақиқа бўлиб, драма жанрига хос. Унда она ва бола муносабати ёритилган. Аммо бу фильмда бошқа фильмлардаги каби онанинг фазандига бўлган муҳаббати эмас, балки фарзанднинг онага бўлган муҳаббати мадҳ этилган. Асарда икки ўғилнинг онаси оғир дардга чалинади. Тўнғич ўғил Иброҳим курилишда ишлаб оила рўзгорини тебратишга ҳаракат қилади, лекин онаси учун операцияга етарли пул топа олмайди. Бир куни касалхонада бир қизини зиёрат қилишга келган отанинг телефондаги суҳбатини эшитиб қолади. Ота қизи учун буйрак бериши мумкин бўлган донор қидириб юргани ва буйрак учун катта миқдорда пул беришини эшитади. Ўғил маълим вақт ўйлаганидан сўнг онасининг операцияси эвазига бир буйрагини қурбон қилишга қарор қилади. Шу вақтда фильм сюжети кутилмаган тарзда ўзгаради. Бемор қиз операция

бошланиши билан оламдан ўтади, оғир дардга чалинган она эса операциядан муваффақиятли чиқади. Ўғил ҳам соғлигига шикаст етмаган ҳолда қолади. Марҳуманинг отаси эса ўғилнинг жасоратига қойил қолиб онанинг шифо топиши учун зарур бўлган маблағни ўз бўйнига олади.

“Прометей” қисқа метражли фильми драма жанрида бўлишига қарамай, кўп ўзбек фильмларида учрайдиган типик йиғи, фарёд кўринишларидан холис. Унда қаҳрамонларнинг чекаётган барча ғам-андухлари ички монолог орқали ифодаланган. Албатта бу ўринда оператор иши қўл келган. Фильм оператори Маъруф Хаджимуродов эпизодларнинг таъсирли чиқиши, қаҳрамон кайфиятини томошабинга етказиб беришда ишонарли тасвир услубларидан фойдаланган.

Фильм воқеаси ҳаққоний чиқишида актёрлар маҳоратининг ўрни бекиёсдир. Ушбу фильмда Акбархўжа Расулов, Отабек Мусабоев, Нодира Хаджиевалар рол ижро этган бўлиб, улар яратган образларига типаж нуқтаи назардан ва ёш жиҳатдан мос келган. Бу эса фильмнинг ишонарли чиқиши учун қайсидир маънода гаров бўла олади.

Бу фильмга “Прометей” деб ном берилиши ҳам жуда қизиқарли ҳолат. Чунки аксарият ҳолатларда фильмларга шундай ном қўйиладики, томошабин фильмнинг нима мавзудалигини дарров тушуниб етади. Сарвар Каримов эса юнон асотирига мурожат қилиб қояга боғлаб қўйилган Прометейни бош қаҳрамон Иброҳимга қиёслаган. Бу ҳам ижодкорнинг асарга тўғридан-тўғри эмас балки, мажозий маънода ёндошганлигидан дарак беради.

Ёш ижодкорлар яратган қисқа метражли фильмлар орасида нафақат маиший фалсафий мавзуларга бағишланган фильмлар мавжуд, балки улар орасида тарихга мурожат қилинган қисқа метражли фильмлар ҳам бор. Шундай фильмлардан бири Шухрат Баратовнинг “Қизил тоғ” номли фильмидир. Бу фильм 2012 йилда суратга олинган бўлиб, Камолиддин

Ибрагимовнинг сценарийси асосида тасвирга олинган. Фильмда 1924 йилда она юртимзда содир бўлган воқеалар акс этган. Халқимиз мустамлакачилик даврида бошидан ўтказган мусибатлар фильмда ўз ифодасини топган. Унда ўз оила аъзоларидан, қариндош-уруғларидан ҳам кечиб собиқ тузумга хизмат қилган шахслар бир гўдак мисолида кўрсатилган. Ёш бола нима тўғри, нима нотўғрилигини англамагани каби ўша даврда баъзи юртдошларимиз ҳам собиқ иттифоқ ғоялари домига тушиб қолиб ўз ватандошларимизга қарши сотқинлик қилганлар. Ана шу ходисаларни режиссёр Шухрат Баратов ўз фильмида тасвирлаб бермоқчи бўлган.

Фильм воқеаси тоғда содир бўлади. Бир киши қизил аскарлар таъқибидан қочиб бир уй олдидаги пичан уюми ичига кириб беркинади. Бу уйда яшайдиган бола эса аскарлар келгач қочоқнинг қаердалигини айтиб беради. Шу маҳал боланинг отаси келиб қолади. Аскарлар қочоқни олиб кетишади. Ота эса ўз ўғлини сотқинлиги учун отиб ташламоқчи бўлади. Аммо бола отасидан қочар экан жарликка тушиб кетади. Бу фильм ижодкорлари мустамлакачилик билан бирга ҳар бир ҳонадонга фалокат кириб келганлигини ўз ишларида ҳикоя қилганлар.

Ўзбек фильмлари орасида тарихий мавзуларга бағишланган фильмлар жуда санокли бўлиб, айниқса тарихий жанрда яратилган қисқа метражли фильмлар жуда кам. Ваҳоланки, халқимиз тарихидан жуда қизиқарли ва таъсирли сюжетлар топиш мумкин.

Ҳозирги кунда кино санъатида юзага келга вазият шундайки, мустақил муаллиф ва режиссёр бўлиш бир мунча мушкул. Чунки фильмнинг иқтисодий томонини ҳал қилувчи продюссерлар фильмнинг кассабоплиги ҳақида жон куйдириб унинг сифати ҳақида унчалик ҳам бош қотирмайди. Натижада “санъат асари” яратиш илинжида бўлган режиссёрлар четга чиқиб қолмоқда. Ҳозирги кун киножараёнига “Кино санъати” (“Искусство кино”) журналида қуйидагича таъриф берилган: “Замонавий кино ишлаб

чиқариш жараёни унда унаётган ғунчанинг гуллашига эмас балки, сунъий гулнинг товланиб туришига асосланган. У бешафқат бўлиб ижодкорларни кўринмас қафасга солиб қўйган. Ижодкорлар фақатгина нафас олишади холос.”³⁴

Кино санъатида юзага келган вазиятга қарама-қарши ўлароқ ривожланаётган йўналиш бу қисқа метражли фильмлар бўлиб унда ижодкорлар бир мунча эркин ҳаракат қила оладилар. Улар томошабинни уларни қизиқтирган ва қайғуга солган воқеа-ҳодисаларга жалб қилишга уринадилар. Муллик ва режиссёрлар қалбидаги дардни ифода этиш учун қисқа метражли фильмлар айна муддаодир.

Ҳозирги кун киножараёни ҳақида гапирар эканмиз, аксарият фильмларда инсон ҳаёти, психологияси бадий талқин этилмаётганини кўрамиз. Фильм бош қаҳрамонлари реал ҳаётдан йироқ бўлган образлар бўлиб фикр юритиш ва ҳис туйғуларни жунбушга келтириш хусусиятларини ўзида мужассам этмаган. Тўлиқ метражли фильмларга қарши ўлароқ қисқа метражли фильмларда воқеа-ҳодисанинг боши ва охири бор, ўртаси мавҳумлигича қолишига қарамай халқаро кинофестивалларда эътироф этиб келинмоқда. Чунки қисқа метражли фильмлар машғулотлар майдончаси каби унда ёш ижодкорлар изланишда, ижодий тажриба ўтказишда давом этишади. Таъкидлаб ўтиш керакки, тўлиқ метражли фильмлар тижорат билан боғлиқ ҳолда яратилаётган бир вақтда қисқа метражли фильмлар ўз ҳолича яшамокда. Тўлиқ метражли фильмларда ўз аксини топа олмаётган муаммолар қисқа метражли фильмларда ўз ўрнини топмоқда. Ёш ижодкорлар “катта фильм” ҳомийлари қўл уришга ботина олмайдиган муаммоларни ўзларининг “кичкина” ишларида кўтариб чиқмоқдалар. Умуман ҳозирги кино жараёнида қисқа метражли фильмлар муаллиф ва режиссёрнинг эркин ижод қилиши учун кенг майдончага айланган.

³⁴ Марина Дроздова. Анапа-2007:Наши намёки вполне прозрачны. - Кино Искусства. №2 февраль

3.2 Ўзбекистонда ўтказилаётган халқаро кинофестиваллар ва уларда ўзбек қисқа метражли фильмларига бўлган эътибор

Қисқа метражли фильмлар яратувчи режиссёрлар ўз ишларини асосан фестивалларда намоиш этишади. Шунинг учун юртимизда ўтказиладиган ҳар қандай кинофестиваллар ёш ижодкорларни рағбатлантириб қисқа метражли фильмларнинг яратилишига салмоқли таъсир кўрсатади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан 2004 йил 16 март ойги кинематография соҳасида бошқаришни такомиллаштириш тўғрисидаги фармонининг қабул қилиниши ҳам бежиз эмас. Унда “Кинематография соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, миллий кино маҳсулотларини жаҳон бозорига олиб чиқиш, хорижий кино ишлаб чиқарувчи ташкилот ва киноижодкорлар билан алоқаларни кенгайтириш, миллий кино санъатини халқаро кинофестивалларда намоиш этиш.”³⁵ тадбирлари кўриб чиқилган. Бундан келиб чиқадики халқаро кинофестиваллар давлат миқёсида аҳамиятлидир.

Шу ўринда республикамызда 2011 йилдан бошлаб “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси раиси Гулнора Каримова ташаббуси билан ташкил этилган Тошкент “Олтин Гепард” халқаро кинофоруми роли ҳақида айтиб ўтиш жоиз. Унда қисқа метражли фильмларга катта аҳамият берилган. Бу тадбир Ўзбекистонда ўз ижодий фаолиятини эндиgina бошлаётган режиссёрларга улкан имконият яратиб бермоқда. 2011 йили илк ўтказилган бу кинофорумда ёш режиссёрлар Хусан Солихов “Анор”, Ҳасан Аҳмедов “Ҳаёт эшиги”, Умид Ҳамдамов “Назар” каби қисқа метражли фильмлари билан иштирок этишди ва ҳайъат

³⁵ O`zbekiston Respublikasi Prezidentining farmoni 16.03.2004 y.N ПФ-3407

аъзолари ҳамда чет эл санъат намояндалари томонидан олқишга сазовор бўлишганди³⁶.

Хусан Солиховнинг “Анор” номли қисқа метражли фильми ўзбек ёзувчиси Абдулла Қаҳҳорнинг шу номли ҳикояси асосида 2011йилда суратга олинган бўлиб, миллий коларитлардан кенг фойдаланилганлиги учун эътиборга мойил бўлди. Ўтмишда содир бўлган воқеа миллий либос, уй жихозлари ва қахрамонларнинг сўзлашув услуби орқали ўша давр руҳиятини томошабинга етказишда хизмат қилган. Фильм воқеаси қахрамоннинг ўзида йўқ хурсанд ҳолда ҳомиладор хотинига асал олиб келишидан бошланади. Аммо анорга боши қоронғу бўлган аёл асални кўриб хўрсинибгина кўяди. Эр уйдан жаҳл қилиб чиқиб кетади. Тун маҳал анор билан келган эр хотинини ерда ётган ҳолда кўради. Режиссёр бу билан эр-хотиннинг бир-бирига бўлган меҳр-оқибатини ва ҳаёт қийинчиликларини қарама-қарши кўяди. Ижодкор фильм орқали оилаларнинг ҳаёт қийинчиликлари олдида сабр тоқатли бўлишга чақиради. Ушбу қисқа метражли фильм Хусан Солиховнинг илк яратган фильми бўлишига қарамай томошабинлар томонидан илиқ кутиб олинди. Шу ўринда фильмда операторнинг ишини ҳам гапириб ўтиш керак. Чунки фильмдаги кадрлар ва тасвирга олиш услуби ҳамда қўлланилган ритм қахрамонлар ҳолатини очиб беришга хизмат қилган.

Умид Ҳамдамовнинг “Назар” номли фильми 2011 йилги Ўзбекистон халқаро кинофоруми “Олтин Гепард”да қисқа метражли фильмлар номинациясида иштирок этиб ҳайъат аъзолари ва томошабинлар томонидан эътироф этилди.³⁷ Шунини таъкидлаб ўтиш керакки, Умид Ҳамдамов сценарий муаллифи, режиссёр ҳамда продюссер сифатида фильм яратилишида иштирок этган. Асар ғояси инсон умиди бўлиб, узоқ вақт тирноққа зор оиланинг ота-оналик бахтига муяссар бўлиши ҳақида

³⁶ <http://2011tashkinofest.com/uz/films/shortfilm/>

³⁷ <http://2011tashkinofest.com/uz/films/shortfilm/>

ҳикоя қилади. Шу билан бирга фильмда садоқат мадҳ этилган. Нафақат инсонларнинг бир-бирига бўлган садоқати, балки итнинг ўз эгасига бўлган вафодорлиги тасвирланган. Фильм дунёга келган гўдак томонидан ҳикоя қилинади. Асар воқеасини бу тарзда очиқ берилиши фильмга ўзгача рух бағишлаган.

Фильмнинг энг таъсирли эпизодларидан бири қаҳрамоннинг тоғда ов қилаётган пайтида беҳуш йиқилиб тушиши ва итнинг эгасини турғозишга ҳаракат қилишидир. Ит ўзидан бир неча баробар катта келадиган эгасини тоғдан судраб тушишга ҳаракат қилиши кейин бориб уй бекасини чақириб келиши томошабинни таъсирлантирмай қўймайди. Фильм қисқа метражли бўлишига қарамай муаллиф ғояси фильмда тўлақонли ўз аксини топган. Фильм давом этган бир неча дақиқа давомида фильм воқеаси ва томошабин ўртасида кўринмас ип боғланади.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, ижодкор фильмда меҳр-оқибат ва садоқат ҳислатларини ифодалашда ноодатий йўл танлаган. Яъни фильмда бошқа ўзбек фильмларида кам учрайдиган итнинг вафодорлиги таъсирли қилиб кўрсатилган. Ундан ташқари фильмда иштирок этган актёрлар тўғри танланган. Улар асар қаҳрамонларининг ишонарли чиқишига беқиёс ҳисса қўшишган. “Назар” қисқа метражли фильми Умид Ҳамдамовнинг дебют фильми бўлишига қарамай моҳирона ишланган.

2011 йилги Тошкент халқаро кинофоруми “Олтин Гепард”да қисқа метражли фильмлар номинациясида иштирок этган яна бир фильм “Ҳаёт эшиги” бўлиб, у шу йилда Ҳасан Аҳмедовнинг бакалаврият битурув иши учун олинган фильм эди. Бу режиссёрнинг дебют иши бўлишига қарамай, кино форум ҳайъатлари томонидан яхши баҳоланди. Фильм фалсафий моҳиятга эга бўлиб, томошабинни чуқур ўйга толишга мажбур қилади. Бу қисқа метражли фильм бир неча дақиқагина давом этишига қарамай ўзида бутун инсон ҳаёти йўлини қамраб олган. Унда инсон ҳаёти мажозий тасвирлар билан кўрсатиб беришга ҳаракат қилинган ва қайсидир маънода

бунинг уддасидан чиқилган. Унда инсон ҳаёти давомида турли хил қийинчиликларни бошидан ўтказиши ва уларни енгиб ўтиши ифдаланган.

“Ҳаёт эшиги” қисқа метражли фильмида операторлик ишини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Чунки қисқа вақт ичида фильм ғоясини аниқ ва лўнда қилиб ифодалаш учун тўғри кадрлар танланиши талаб этилади. Фильм оператори Дилмурод Йўлдошев бунинг уддасидан чиққан деса бўлади. У фильмнинг ҳар бир кадрини маҳорат билан тасвирга олган. Ҳар бир кадр фильм мазмунини томошабинга етказишда хизмат қилади. Бу қисқа метражли фильмни кўриб бирон бир мавзунини кадрлар ёрдамида ёритиш учун соатлар эмас, дақиқалар етарли эканлигига ишинч ҳосил қиламиз. Ҳасан Аҳмедовнинг “Ҳаёт эшиги” қисқа метражли фильми кино санъатида ҳажм эмас, балки сифат ва маъно муҳимлигининг исботи бўлади.

Умуман бу фильм унинг ижодкорларини ҳаётга оддий кўз билан эмас, балки фалсафий қарашларини намойён этади. Бу эса ўз ўрнида кино оламига кириб келаётган ёш ижодкорларнинг ҳаётга ўзига хос ёндашувларидан далолат беради. Яъни ёш ижодкорлар келажакда олди-қочди мавзулардан қочиб фалсафий, ҳаётий, тарбиявий мавзуларга мурожаат этишга ҳаракат қилишларидан дарак беради.

2011 йилда бўлиб ўтган “Олтин Гепард” халқаро кинофорум ўзбек киносининг жаҳон кино санъати томон олға қўйган қадами бўлди дейиш мумкин. Ушбу кинофорум давом этаётган бир неча кун давомида ўзбек кино санъати бутун жаҳон кино намояндалари ва ихлосмандлари эътибори марказида бўлди. Кино оламида ўзбек киносига катта қизиқиш уйғонди. Шарқ ва ғарб мамлакатлари ўзбек кино ижодкорлари томонидан яратилган фильмларни муҳокама қилишди. Гулнора Каримова ташаббуси билан ўтказилган “Олтин Гепард” -2011 халқаро кинофоруми ўзбек киносини яна бир босқичга олиб чиқибгина қолмай, ёш кино ижодкорларга ўз маҳоратини бутун дунёга намойиш қилиш учун улкан имконият ҳам

яратиб берди. Айниқса кинофорумда “энг яхши қисқа метражли фильм” номинацияси қўйилиши ижодий фаолиятини қисқа метражли фильмлардан бошлаётган ёш ижодкорларга йўл очиб берди.

Бошланган эзгу иш ҳеч қачон тўхтаб қолмагани каби Тошкент “Олтин Гепард” халқаро кинофоруми ҳам ўз фаолиятини 2012 йилда давом эттирди. Бу йилги тадбир янада юксак даражада бўлиб ўтди. Бир ҳафта давомида дунёнинг турли мамлакатларидан ташриф буюрган кино намояндалари ўзаро амалиёт алмашдилар. Шу билан бирга 2012 йилги “Олтин Гепард” халқаро кинофоруми қисқа метражли фильм номинациясида яна янги ижодкорларни кашф қилди. Ана шундай топилма ижодкорлардан бири Сабина Сагдеева бўлиб “Сандиқ” номли қисқа метражли фильми билан кинофорумда иштирок этди. Ушбу фильм томошабинлар ва кинофорум хайъат аъзолари томонидан илиқ кутиб олинди.

Сабина Сагдееванинг “Сандиқ” номли фильмида бир кичкина қизалоқнинг бувисига бўлган улкан муҳаббати тасвирланган. Ота-онасидан эрта айрилган 7 ёшли Ойша бувиси Ҳабиба қўлида тарбия топади. Қизалоқ бувисидан уй-юмушларини, чеварликни аста ўргана бошлайди. Тиришқоқ набирасига қараб бувиси ўзининг ёшлигини эслайди. Буви ва набира бир-бирига жуда ғамғўр бўлиб, бир-бирига қувоч бағишлаб яшашади. Аммо Ҳабиба аянинг ёши 70дан ошиб, анча кексайиб қолганлиги сабабли набирасининг тақдирдан ҳавотир олади. Уни кимга қолдиришни ўйлаб-ўйлаб, набирасини муносиб оилага беришга қарор қилади. Ҳабиба ая набираси учун у вафот этгандан кейин меҳр кўрсата оладиган ота-она излай бошлайди. Ҳабиба ая уйига фарзанд боқиб олишни хоҳлаган оилалар келишади. Ойша бувисига шунчалар ўрганиб қолганки, ундан айрилишни сира истамайди. Бувисининг ҳар бир ҳаракатини синчковлик билан кузатиб боради. Қизалоқ уйларида турадиган сандиқни Ҳабиба ая тез-тез очишини пайқайди. Бувиси сандиқни очганида Ойша у

ердаги нарсалардан кўзини узолмасди. Айниқса, бувиси сандиқ ичида унга аталган келинлик “сарпа”лари ҳам борлигини эшитганида жуда хурсанд бўлади. Бироқ бир куни ушбу сандиқ ичидагилар у ўйлагандек унга аталмаганини билиб қолади. Ойша бир куни унинг мерхридарё бувисини бутунлайга олиб кетишларини, ва сандиқдаги нарсалар бувисининг “ўлимлиги” эканлигини эшитиб қолади. Қизалоқ ўзини кўярга жой топа олмайди. Янги оила билан яшай бошлаганига қарамай, зийрак ва зукко Ойша бувисини қутқариш учун болаларча қаҳрамонликка қўл уради. У эндиликда яшаётган уйдан қочиб, бувиси билан бахтиёр яшаган ҳовлисига боради. Қизалоқ бувисининг сандиқини очиб, унда бор нарсаларни дугоналарига тарқатиб юборади. Меҳрибон қизалоқ шундай қилсам, Худо бувимни олмайди, деб ўйлайди. Қизалоқ бу ишни беғуборларча қилади, аммо унинг ҳаракатлари томошабинни бефарқ қолдирмайди.

Албатта фильмнинг бундай таъсирли чиқишига актёрлар ижроси сабаб бўлган десак, хато бўлмайди. Қизалоқ образини Нигина Олимова ўта ишонарли ижро этган. Режиссёр бу кичик актёрни устамонлик билан фильмга жалб эта олган. Қизнинг бувисини ўйнаган Дилбар Икромова эса буви образига жуда тўғри тушган.

Умуман Сабина Сагдеевнинг “Сандиқ” номли қисқа метражли фильми ўта таъсирли қилиб тасвирга олинган. Кичкинагина қизалоқнинг бувисига бўлган чексиз муҳаббати томошабинни ўйлантирмай қўймайди. Шу қизалоқнинг юрагидан жой олган улкан меҳр баъзида катта одамларга етишмайди. Режиссёр “Ойша” образи орқали яқин инсонларига бефарқ муносабатда бўладиган одамларга ўрнатилган сифатида талқин қилган. Фильмнинг муваффақиятли чиқишида оператор Жаҳонгир Ибрагимовнинг меҳнатини ҳам айтиб ўтиш жоиз. У фильмнинг кайфиятига мос кадрларни танлай билган ва уларни керакли услубда тасвирга олган.

Албатта ҳар қандай фильмнинг яхши чиқиши учун авалламбор фильм суратга олинаётган сценарий катта аҳамиятга эга. “Сандиқ” ёш ижодкорлардан бири Мадина Йўлдошеванинг сценарийси асосида яратилган. Сценарий муаллифи бўлажак фильм учун асос яратиб берган дейиш мумкин.

2012 йили бўлиб ўтган 2-“Олтин Гепард” Тошкент халқаро кинофоруми “энг яхши қисқа метражли фильм” номинациясига Сабина Сагдееванинг “Сандиқ” номли қисқа метражли фильмидан ташқари Абдуҳалил Мингноровнинг “Ҳовуз” номли қисқа метражли фильми ҳам қўйилган эди. Бу фильм 2012 йилда суратга олинган бўлиб йигирма дақиқа давом этади. Фильмда орзу-ҳавас билан оила бир-бирига қарама-қарши қўйилган. Фильм қаҳрамони ичкиликка берилган бир ўрта ёшдаги одам бўлиб хотини ва болаларига бефарқ бўлади. Кечалари оғайнилари билан ичкилик ичиб юради. Лекин кунларнинг бирида қишлоққа унинг ёшликдаги муҳаббати келади. Асар қаҳрамони ичкиликни ташлайди, ишлаб топган пулини рўзғорга ишлата бошлайди. Бундан хотини қувонади. Аммо қувонишга ҳали эрта эди. Чунки бир куни эрининг кийимларини ювиш учун олаётиб костюм чўнтагидан эрининг мактабдаги муҳаббати билан бирга тушган расмини топиб олади. Кўзларига ишонмаган аёл эрини кузатишга тушади. Не кўз билан кўрсинки, эри ўша жувон билан бирга учрашиб қаергадир кетяпти. Аёл эрига жанжал қилади, аммо самарасиз бўлади. Кейин аёл эрининг кўнглини олиш учун ўзига оро беради. Бу ҳам натижа бермайди. Қаҳрамонимиз ҳаёлини эгаллаган жувон эса турмуш ўртоғи билан ярашиб қишлоқдан кетади. Ўтмиш хотираларига қайтган қаҳрамонимиз эса қаттиқ изтиробга тушади. Охири нарсаларини йиғиштириб уйдан кетишга қарор қилади. Тунда секингина уйдан чиқишга шайланган қаҳрамон фарзандининг йиғисини эшитиб тўхтаб қолади. Бир фарзандига бир уни овутаётган хотинига қараб шаштидан қайтади. Оилага бўлган муҳаббат ўткинчи ҳис-туйғулардан устун келади.

Режиссёр бу қисқа метражли фильм билан инсон ҳаётида учраб турадиган иккиланишларни тасвирламоқчи бўлган. Асар муаллифи томошабинга баъзи ҳолларда юрак билан эмас, ақл билан иш тутиш кераклигини кўрсатмоқчи бўлган. Абдухалил Мингноровнинг “Ҳовуз” номли қисқа метражли фильми яна бир бор оиланинг муқаддаслигини ифодалашга ҳаракат қилган.

Умуман олганда бу каби кинофестиваллар ёш ижодкорларни кашф қилибгина қолмай кино оламида фаолият юритувчи барча ижодкорларга илҳом бағишлайди. Ҳар қандай эътибор янада кўпроқ изланишга ва ижод қилишга туртки бўлади. Айниқса қисқа метражли фильмлар суратга оладиган режиссёрлар учун халқаро кинофестиваллар ўз фильмларини бутун оламга намойиш қилишга имкон яратади. Бу эса ўз ўрнида уларни рағбатлантириб янгидан-янги чуқур мазмунга эга қисқа метражли фильмлар яратишга даъват этади. Шу ўринда И.А.Каримовнинг “Миллий кино санъатининг энг яхши анъаналарини изчил давом эттириш ва бойитиш мақсадида иқтидорли ёш кинематографчиларни тарбиялаш, уларнинг ижодий имкониятларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш.”³⁸ тўғрисида қайд қилинган қарорларини эслаб ўтишимиз даркор.

Дунё миқёсида ўтказилздиган Канн, Берлинале каби халқаро кинофестивалларда қисқа метражли фильмлар салмоқли ўринга эга. Бунга мисол қилиб Канн фестивали ташкилотчилари ташаббуси билан 2007 йилда “Ҳар кимнинг ўз киноси бор” номли 34 та қисқа метражли фильмлардан иборат лойихани келтиришимиз мумкин. Бу лойиҳада 25 та мамлакатдан келган 36 та режиссёр Теадор Ангелопулос, Аки Каурисмяки, Юсуф Шахин, Такэси Китано, Андрей Кончаловский, Чен Кайге, Роман Полански, Элия Сулейман, Алехандро Гонсалес, Аббас Киаростами, Ларс фон Триер каби машҳур режиссёрлар 3-4 дақиқалик фильмларда ўз ички дунёларини ифода этганлар. Бу фильмларда кионинг жамият, инсон ҳаёти

³⁸ O`zbekiston Respublikasi Prezidentining farmoni 16.03.2004 y.N ПФ-3407

ва унинг дунё қарашига таъсири акс эттирилган.³⁹ Режиссёр Чен Кайгенинг “Жансю қишлоғи” фильмида бир неча қишлоқ болаларининг кино деб аталмиш сеҳрли нарсага қизиқиб қолишлари тўғрисида. Болалар қишлоқ кинотеатрига сўроқсиз кириб кино томоша қила бошлайдилар. Бир маҳал чироқ ўчиб қолади. Болалар кўп ўйлаб ўтирмай бунинг иложини ҳам топадилар. Улар велосипед педалини айлантириб ундан ҳосил бўлган электр манбаи орқали фильм томоша қилишади. Улар Чарльз Чаплиннинг фильмини шундай завқ ва шавқ билан томоша қилишадики ҳатто, чарчоқ нималигини сезишмайди. Аммо кинотеатр эгаси келиб қолиб болалар қочиб кетадилар, лекин бир болакай экранга термулгунича ўтираверади. У кинотеатр эгасидан фильмни охиргача кўришни сўрайди. Орадан йиллар ўтиб кинотеатрдан хассасига таянган бир кекса одам чиқиб келади. Бу ўша кино оламига ошиқ бўлиб қолган болакай эди. Уч дақиқа давомида режиссёр 1977 ва 2007 йилги воқеаларни тасвирлашга муяссар бўлган.

Ларс фон Триернинг “Машғулот” фильмида эса театрга келган бир тадбиркор билан бўлиб ўтган воқеа тасвирланган. У спектакль томоша қилаётганларга халақит бериб ўз моддий аҳволи ҳақида ёнидаги одамга гапириб беради, ва “Сизнинг машғулотингиз нима”- деган саволга, ҳалиги одам Сизга ўхшаганларни ўлдириш ”-деб жавоб бериб унга болта уради. Албатта бу режиссёрга хос кескин усул бўлсада, томошабин “санъат кушандалари” билан курашиш кераклигини англаб етади.

Аббас Киаростамининг “Қани менинг Ромеом” деган қисқа метражли фильмида эса кино барча ёшдаги инсонларга таъсир қила олиш кучига эга эканлиги кўрсатилган. Фильмда кинотеатрда “Ромео ва Жулетта” фильмини томош қилиб ўтирган томошабинларнинг ҳолати ўта мохирона тасвирланган. Кекса, ўрта, ўспирин ёшдаги хотин-қизлар фильм кўришар экан ундан олган таассурот туфайли дув-дув кўз ёш тўкадилар. “Ҳамманинг қалбига бирдай таъсир қила оладиган яна шундай куч

³⁹ www.wikipedia.org/

бормикан?”, деган савол туғулади. Фильм қайси тилда, қайси миллат вакили томонидан яратилишига қарамай бутун инсониятнинг юрагини жунбушга келтира олиши мумкун. Дунё бўйлаб ўтказиладиган кинофестивалларнинг мақсади ҳам шундаки, кино деган сеҳрли куч остида бутун инсониятни бирлаштириш. Кино оламига қадам қўйган ижодкорларни уларнинг миллати, дини ирқидан қатъий назар ижодий йўлда рағбатлантириш. Варшава халқаро кинофестивали директори Стефан Лаудин шундай деб ёзган эди: “Канн фестивалига қатнашиш ёки қатнашмаслик борасида иккиланиб турган бўлсангиз, албатта боринг. Ўз кучингизга ишонинг. Чунки кино ҳали ҳам пул ва техникадан ташқари иқтидор улуғланадиган инсон фаолият юрутувчи жабҳалардан бири бўлиб қолмоқда.”⁴⁰ 2007 йилги Канн фестивали доирасида амалга оширилган бу лойиҳа дунё кино оламида қисқа метражли фильмлар ўзгача ўрин эгаллашидан далолат беради. Бу лойиҳада етук режиссёрларнинг иштирок этиши эса қисқа метражли фильмларга бўлган эътиборни янада кучайтиради. Умуман олганда “қисқа метражли фильмлар” номинацияси бўйича дунёда ўтказиладиган кинофестивалларнинг саноғи йўқ дейиш мумкин. Парижда 3 дақиқа ва ундан қисқа, ҳатто, бир дақиқалик қисқа метражли фильмлар халқаро фестивали 2006 йилдан бери ўтказиб келинади. Халқаро фестивалларда “қисқа метражли фильмлар” номинациясига алоҳида урғу берилиши шундан далолат берадики, фильмнинг ҳажми эмас сифати қадрланади.

⁴⁰ Стефан Лаудын. Руководство для новичков. Ирина Рубанова.-Искусстве кино. №11,ноябрь Перевод с

польского и примечания Ирины Рубановой. Стефан Лаудын-директор Международного кинофестиваля в Варшаве. Данный текст опубликован в приложении Rezyser к ежемесячнику Kino (1997, N 7); в «Искусстве кино» печатается (с небольшими сокращениями) с любезного разрешения автора и издателей.

Хулоса

Ҳозирги кун киножараён ҳақида гапирар эканмиз шундай хулосага келишимиз мумкин. Кино иқтосодий томондан маблағ келтирувчи соҳага айланиб боргани билан ўзининг асл яратилишдан мақсадини бутунлай йўқотиб қўйгани йўқ. Ҳали ҳануз фильмлар томошабинга эстетик завқ бағишлаш учун суратга олинмоқда. Бундай маъсулиятли ишни етук режиссёрлар билан бирга кино санъатига эндигина қадам қўяётган ёш ижодкорлар ҳам ўз зиммасига олдилар. Ёш ижодкорларнинг кино соҳасида ўз фаолиятларини шахдам қадамлар билан бошлашлари қувонарли ҳолдир. Айниқса уларнинг ўз яратган ишлари билан халқаро кинофестивалларда қатнашишлари таҳсинга сазовордир.

Ўзбекистонда ўтказилаётган Тошкент “Олтин гепард” халқаро кинофоруми юртимизда фаолият юрутувчи кино ижодкорларни маънан қўллаб қувватлашдан ташқари ўзбек киносини жаҳон миқёсида намоиш этилишига шароит яратиб берди. Ушбу кинофорумда қисқа метражли фильмларга алоҳида номинация ажратилиши эса, бу йўналишда ўз фаолиятини бошлаган ёш ижодкорларга туртки бўлди. Бир неча дақиқалик ишлари билан жаҳон миқёсида иштирок этиш имконияти ижодкорларни рағбатлантирибгина қолмай, қисқа метражли фильмларга бўлган эътиборни ҳам оширди. Эндиликда қисқа метрга қайсидир маънода паст назар билан эмас, балки юксак маҳорат талаб этадиган киносининг бир йўналиши сифатида қарала бошланди.

Бу бобда қисқа метражли фильмлар бутун дунёда ўтказиладиган халқаро кинофестивалларда аҳамиятли ўринга эга эканлиги исботлаб беришга ҳаракат қилинди. Бу Канн фестивали мисолида кўриб чиқилди. Айниқса 2007 йилда амалга оширилган проект бунга ёрқин мисол қилиб келтирилди. Ушбу проектга кўра 34 та мамлакатдан келган режиссёрлар “Ҳар кимнинг ўз киноси бор” номли 36 та уч-тўрт дақиқалик қисқа

метражли фильмлар яратадилар. Бу билан улар нафақат кино соҳаси вакилларини, балки бутун дунё томошабинларининг эътиборини қисқа метрга қаратдилар.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, қисқа метражли фильмлар ёш ижодкорлар томонидан яратилишда давом этар экан улар ҳеч қачон кино санъатидан четга чиқиб қолмайди. Айниқса дунёда ўтказиладиган халқаро кинофестиваллар орқали уларга эътибор кучайса, кучаядики, аммо сусаймайди.

Хуласа

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, кино санъати жамият ҳаётининг ажралмас қисми сифатида намоён бўлар экан, у тараққий этаверади. Шу жумладан қисқа метражли фильмлар ҳам кино санъати таркибида ривожланади. Улар жамият онгига ўз таъсирини кўрсатишда давом этади. Айниқса оммовий маданият таҳдид солаётган бир замонда бу соҳага алоҳида эътибор бериш даркор деб ўйлайман. Президент И. А. Каримов “Юксак маънавият-енгилмас куч” китобида “бугунги кунда таълим - тарбия соҳасидан бошлаб, матбуот, телевидение, Интернет ва бошқа оммавий ахборот воситалари, театр, кино, адабиёт, мусиқа, рассомлик ва ҳайкалтарошлик санъатигача, бир сўз билан айтганда, инсоннинг қалби ва тафаккурига бевосита таъсир ўтказадиган барча соҳалардаги фаолиятимизни халқнинг маънавий эҳтиёжлари, замон талаблари асосида янада кучайтиришимиз, янги босқичга кўтаришимиз зарур”⁴¹ -деб бежизга таъкидлаб ўтмаганлар. Чунки санъат шу жумладан кино санъати орқали жамиятга ижобий ҳамда салбий таъсир кўрсатиш мумкин. Бундан келиб чиқадики, кино яратиш ўта маъсулиятли иш бўлиб унга енгил-елпи ёндошиш жиноят содир этиш билан баробар. Ҳозирги кунда урфга айланиб бораётган “кассабоп” тижорат фильмларининг баъзи бирларида ана шундай ҳолат кузатилмоқда. Лекин шу билан бирга қисқа метражли фильмларда бунинг аксини кўришимиз мумкин. Яъни бу каби фильмларда ижодкорлар қалбларида ураётга туғёнларни мажозий маънода, фалсафий ёндошув орқали тасвирлаб беришга уринаяпдилар. Бу албатта қувонарли ҳолатдир. Аммо қисқа метражли фильм яратувчи кино ижодкорлар асосан бу соҳага эндигина кириб келаётган ёшлар бўлгани учун ҳам молиявий томондан рағбатлантиришга муҳтожлар. Уларни ўз ўрнида ижодий фаолиятларида қўллаб қувватлаш лозим. Бўлмасам, бешафқат “кинобизнес” оламида куртак отмай нобуд бўлишлари мумкин.

⁴¹ Karimov I. Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch. Ma'naviyat, T: 2008, 129 bet.

Президентимиз И.А.Каримов ҳам таъкидлаганларидек “Ҳозирги даврда бозор иқтисодиёти талабларини ҳам инобатга олиш керак. Лекин юксак бадиият ва ҳаққонийлик, эзгу мақсадларга хизмат қилиш руҳи билан суғорилган асарлар яратиш-барча санъат турлари каби бу соҳа учун ҳам мезон бўлиши табиий.”⁴²

Юқоридаги гаплардан шундай хуласага келиш мумкинки, кино яратилган санъатлар ичида энг ёши бўлсада, жамият ҳаётида катта рол ўйнар экан. Хусусан қисқа метражли фильмлар кино санъатини бозор иқтисодиёти даврида яна бир юқори пағонага олиб чиқишга улкан имконият яратиб беришга қодир. Чунки қисқа метражли фильмлар бошқа турдаги фильмларга нисбатан камҳарж бўлиб, шу билан бирга янгидан-янги истеъдод эгаларининг етишиб чиқишига ҳам замин яратиб беради. Оддийгина мисолда кўриб чиқадиган бўлсак, битта тўлиқ метражли фильмга сарфланадиган маблағ эвазига ўнта қисқа метражли фильм тасвирга олиш мумкин. Бу эса ўнта ёш режиссёрнинг, ўнта ёш операторнинг, ва яна қанчадан қанча актёрларнинг ўз маҳоратларини намойиш қилишга шароит бўлади дегани. Бу фильмларни бир мавзу, ғоя остида бирлаштирилса, ва уни кинозалларда томошабинлар эътиборига ҳавола этилса, ўйлайманки, тўлиқ метражли фильмдан ҳам кўпроқ маблағ йиғиш мумкин. Чунки бир фильм кимгадир манзур келса, кимгадир манзур бўлмаслиги мумкин. Аммо ўнта фильмнинг ҳар бири албатта ўз муҳлисини топади. Қарабсизки, кинозалга келганларнинг барчаси қўйилган экран асаридан мамнун бўладилар. Ижодкорларга бундан бошқа яна нима ҳам керак.

Тарихдан бизга аён бўлдики, кино қисқа метр тариқасида пайдо бўлиб шу кунгача ўзининг кўринишини сақлаб қолди. Замон ҳар қанча ўзгармасин, техника ҳар қанча тараққий этмасин, барибир қисқа метражли фильмлар ўзининг жозибасини йўқотгани йўқ. Бунга сабаб улар

⁴² Karimov I. Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch. Ma'naviyat, T: 2008, 145 bet

“кинобизнес” деб номланувчи ўрама домига тортилмадилар. Аксинча эркин ижодкорлар бир нечагина дақиқада бўлса ҳам ўз оламларини яратишга ҳаракат қилиб келдилар. Шунинг учун ҳам қисқа метражли фильмлар ҳақида гапирар эканмиз, уларга нисбатан тижорат фильмлари деган терминни ишлата олмаймиз. Бу эса ҳозирги замонда ўта мушкулдир.

Қисқа метражли фильмлар етук режиссёрлар томонидан ҳамда ёш ижодкорлар томонидан яратилди ва яратилиб келинмоқда. Бу эса уларнинг қайсидир маънода абадий эканликларидан далолат беради. Чунки 1895 йилдан бери мавжуд бўлиб келган бу санъат тури турли хил қийинчиликларга қарамай шу кунгача ижодкор ва томошабинларни ўзига ром қилиб келган, бундан кейин ҳам ўз жозибасини йўқотмайди дейиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Islom Abdug`aniyevich Karimov.Yuksak ma`naviyat-yengilmas kuch.-Т.:
Ma`naviyat,2008
2. O`zbekiston Respublikasi Prezidentining farmoni 16.03.2004 y.N ПФ-3407
3. Бела Балаш. Кино: Становление и сущность нового искусства.-
М.:Прогресс,1968
4. M.Lapierr.Antologiy.-Paris,1946
5. Ежи Теплиц. История киноискусство. Т.1.- Москва.-1968.
6. Le in is Jacobs. The rise of the American film,1939
7. Antonio Chiattoni.Film westrn.-Milano,1949
8. Сборник.Д.У.Гриффит.М.:1944
9. Чарли Чаплин.Моя биография.- Москва.: Искусство, 1966
10. Сборник.Ч.С.Чаплин.-М.:1945
11. Melinda Corey, George Ochoa. American film Institute.- Dorling Kindersley
Publishing, Inc., November, 2002
12. Х.Абул-Касимова. Рождение узбекского кино.-Т.:Наука,1965.
13. Х.Абул-Касимова, Д. Тешабаев, М.Мирзамухамедова. Кино
Узбекистана.-Т.:Гафур Гулям,1985
14. Х.Абул-Касимова. Кино и художественная культура Узбекистана.-
Т.:Фан,1991
15. Евгений Габрилович. Кино и литература. М.: 1965
16. Евгений Габрилович .Киноновеллы: Сценарии короткометражных
фильмов. М.: 1961
17. Юренев Р. Краткое история Советского кино.М.:1967
18. Марина Дроздова. Анапа-2007:Наши намёки вполне прозрачны. -
Кино Искусства. №2 февраль

19. Стефан Лаудын. Руководство для новичков. Ирина Рубанова.-Искусстве кино. №11,ноябрь
20. Вадим Абдрашитов.Москва. А что, произошла смена эпох?. - Кино Искусства, №9, сентябрь 2008
21. Ю. А. Кравцов. Основы Киноэстетики. Теория и история кино. Учебное пособие, СПб.: 2006 г.
22. Р. Юренев. Чудесное окно. М.:Просвещение, 1983 г.
23. Н.Абдуллаев. Санъат тарихи. 1-жилд, Т.: Ўқитувчи, 1987 й.
24. О. Ф. Нечай. Основы киноискусства. М.: Просвещение, 1989 г.
25. Ҳотам Файзиев. Овозсиз кинематографдаги операторлик санъати тарихидан. Т.: 2010 й.
26. Ф. Трюффо. Кино по Хичкоку. М.:1996 г.
27. Жорж Садуль. История киноискусства. Издательство иностранной литературы, М.:1957 г.
28. Мировое кино. журналы. 42-сон (01.04.1998).
29. Клер Р. Кино вчера, кино сегодня. пер. с фр. — М.: Прогресс, 1981.
30. Кино и современная культура .Сб. науч. трудов. — Л.: 1981.
31. Бернштейн А.Я. На уроке - художественный фильм. - М.: Изд-во БПСК, 1971.
32. Вайсфельд И.В. Кино в педагогическом процессе. Сов. педагогика. - 1982. - № 7.
33. Вайсфельд И.В. Эволюция экрана, эволюция восприятия. Специалист. - 1993. - № 5.
34. Гельмонт А.М. Кино как фактор воспитания. Вестник просвещения. - 1972. - № 5

35. Ильичев С.И., Нащекин Б.Н. Кинолюбительство: истоки и перспективы. - М.: Искусство, 1986.
36. Пензин С.Н. Кино и эстетическое воспитание: методологические проблемы. - Воронеж: Изд-во Воронеж. ун-та, 1987.
37. Рыбак Л.А. Наедине с фильмом. Об искусстве быть кинозрителем. М.: Изд-во БПСК, 1980.
38. Рыбак Л.А. Прочитано экраном: Кино и школа. - М.: Изд-во БПСК, 1975.
39. Авенариус Г. Чарльз Спенсер Чаплин. М: 1959.
40. Антониони об Антониони. (Статьи. Интервью) М.: 1986.
41. Божович В. Современные западные режиссёры. М.: 1972.
42. Базен А. Что такое кино. М.: 1972.
43. Голдовская М. Человек крупным планом. М: 1971.
44. Дакен Л. Кино - моя профессия. М.: 1963.
45. Дробашенко С. Мир Роберта Флаэрти. «Вопросы киноискусства», М.: 1966
46. Козлов Л. Лукино Висконти и его кинематограф. М: 1987.
47. Комаров С. История зарубежного кино. М: 1965+1981.
48. Теплиц Е. Кино и телевидение в США. М.: 1966.
49. Юренев Р. Смешное на экране. М : 1964.
50. Юренев Р. Краткая история мирового кино. М.: 1983.
51. www.kinopoisk.ru
52. www.pandia.ru
53. www.kino-teart.ru
54. www.megabook.ru
55. www.tashkenafest.com/uz/films/shortfilms

- 56. www.wikipedia.ru
- 57. www.uzbekkino.uz
- 58. www.uzb-kino.com
- 59. www.uzmega.com/news/uzbek_kino
- 60. www.kinopod.ru